



MILLIY TIKLANISH

20 (1018) ● 2019 йил 22 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ, ПЕНСИЯЛАР ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАР МИҚДОРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мехнатга ҳақ тўлаш миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда мехнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар тайинлаш ҳамда солиқлар, давлат божлари, жарималар, йиғимлар ва бошқа тўловларни ундириш ўртасидаги шартларнинг боғлиқлигини бартараф этиш мақсадида:

1. **2019 йил 1 сентябрдан** бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига:

577 170 сўм миқдорда **мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори**;

202 730 сўм миқдорда **базавий ҳисоблаш миқдори**;

202 730 сўм миқдорда **пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори** жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) **мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори**:

1,0 тариф коэффициентини бўйича Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси биринчи разряди бўйича ойлик тариф ставкасининг пулдаги ифодаси ҳисобланади;

мехнат муносабатлари соҳасида лавозим маоши, устамалар, кўшимча ҳақ, гонорар, кўшимча иш учун компенсация тўловлари ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларнинг бошқа турлари, шунингдек, қонунчиликда белгиланган ушланмалар, илгари энг кам иш ҳақиға нисбатан белгилаб қўйилган бошқа

тўловлар миқдорини аниқлашда ҳамда оилаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожлиги ва ишсизлик бўйича нафақалар миқдорини аниқлашда қўлланилади;

белгиланган мехнат нормаларини тўлиқ бажарган ходимлар мехнатига ҳақ тўлашнинг куйи чегараси сифатида ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мехнат муносабатларидан қатъи назар барча иш берувчилар учун мажбурий ҳисобланади;

б) **базавий ҳисоблаш миқдори**:

солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат божлари ва кўрсатилаётган давлат хизматлари учун бошқа тўловларнинг миқдорларини;

тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент, лицензия ва бошқа тўловларнинг қиймати, ташкилотларнинг устав ва бошқа фондлари (капитали) миқдори, пулсиз шаклда тўланадиган акциялар, бошқа қимматли қоғозларнинг қиймати, юридик шахслар активларининг баланс қиймати, микрокредитлар ва лизинг, шунингдек, бошқа молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг чекланган миқдорини аниқлашда қўлланилади;

в) **пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори** пенсия таъминоти соҳасида пенсиялар, устамалар, кўшимча ҳақ ва компенсация тўловлари, шунингдек, ходимларнинг мехнатда

майиб бўлиши, касб касаллиғига чалиниши ёки улар ўзлари мехнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни қоплашда қўлланилади.

3. Белгилансинки:

энг кам иш ҳақиға нисбатан белгиланган устамалар, кўшимча ҳақ, мукофотлар ҳамда бошқа компенсация ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларнинг барча турлари **мазкур тўловларнинг сўмда ифодаланган амалдаги миқдорларини сақлаб қолган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади** (зарур ҳолларда кўп томонга яхлитланади);

қонун ҳужжатларида мазкур Фармоннинг 2-бандида назарда тутилган мехнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлашнинг бошқа тартиби ўрнатилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва мехнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқиш ҳамда нафақалар, компенсациялар ва тўловларнинг алоҳида турлари миқдорларини мутлақ суммада белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига

таклифлар киритсин;

мазкур Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қўллаш ҳамда ташкилотларда мехнатга соатбай ҳақ тўлаш тизимини белгилаш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар уч ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 21 май

Фракция фаолияти

СУДЬЯЛАР ЁШИНИ ЎТТИЗ БЕШ ЁШГАЧА ОШИРИШ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА. НЕГА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилди.

Йиғилишда дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.



2-бет →

Куйи палатада

МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒ ВА АКТИВЛАР

улардан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси яратилди

Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар, ўзгариш ва янгиланишлар тахлили шундан далolat бермоқдаки, тизимдаги мавжуд камчиликлар қисқа вақт ичида аниқланиб, танқидий-таҳлилий кўриб чиқиш, асосий эътибор амалий самарадорлик ва натижадорликка эришишга қаратилаётир. Пировардида миллий иқтисодиётга ҳақиқий бозор механизмлари жорий этилаётгани, тарихий янгиланишларга қўл урилаётгани ва улар амалиётда ўзининг ижобий самарасини бераётганига гувоҳ бўляпмиз.

Бу жараёнда иқтисодий ислохотларни тубдан такомиллаштиришга қаратилган янги қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

2-бет →

Ҳамкорлик

МЕМОРАНДУМ ВА "ЙЎЛ ХАРИТАСИ" ЯНГИЛАНДИ



"Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида икки йил аввал имзоланган Ҳамкорлик меморандуми бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти. Бу эса янги "Йўл харитаси"ни амалга оширишни кун тартибига қўндаланг қўймоқда".

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи лойиҳалар қўламини кенгайтириш мақсадида ўтказилган учрашувда партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов айни шу ҳақиқатни рўй-рост айтarkan, партия ва қўмита ўртасидаги меморандум шунчаки қоғозда эмас, балки ўзаро ҳамкорликнинг ҳаракат дастури бўлиши кераклигини таъкидлади.

2-бет →

Очигини айтганда...

ИШЛАМАГАН...

ЭНДИ ТИШЛАМАСЛИГИЯМ КЕРАК

Тафаккур тоши оғир келаётган, миллатлараро рақобат қуюнлари қаттиқ елаётган айни пайтда баркамол инсонларнинг билими ва малакаси жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишини кўрсатувчи кўзгудир. Шунинг учун ҳам кўпчилик "узоқни кўзлаб энг шимараётган" олис ва яқин давлатларда таълимни ривожлантириш истиқболи энг асосий масалалардан бирига айланаётир. Мамлакатимизда ҳам таълим тизимини ислох қилиш ва стратегик ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки Ўзбекистоннинг бугунги кунини иқтисодиётнинг инновацияларга асосланган ривожланишини таъминлаш вазифаси сармоيار олами ва келажак учун қалқондир.

Ўзбекистон таълим тизимида имкон қадар ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ислохотларни кўриб кўрмасликка олиш мумкин эмас. Аммо таълим тизимида ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Барча таълим босқичида ўнгланишлар қамровини кенгайтириш, шакл ва йўналишларини диверсификациялаш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар, шунингдек, таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга доир қарорлар аянчи аҳволга келиб қолган саводхонлиқни, унинг ислохотини зиммасига ола биладиган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни барча бўғинда тоблашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

6-бет →



"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда!

"Milliy tiklanish" —

мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158



Фракция фаолияти

СУДЬЯЛАР ЁШИНИ ЎТТИЗ БЕШ ЁШГАЧА ОШИРИШ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА. НЕГА?

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Ушбу қонун лойиҳаси 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 37 ва 38-банди ижросини таъминлаш ҳамда судьяликка номзодларни танлаш, тайинлаш бўйича Судьялар олий кенгаши фаолиятини такомиллаштириш, бўш судьялик лавозимларини юқори малакали кадрлар билан вақтида тўлдирилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган, — деди фракция раҳбари Сарвар Отамуратов. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисага мурожаатида илгари сурилган ташаббус ва тақлифларни амалга ошириш мақсадида қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунга Кенгаш томонидан туман, шаҳар, вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси суди судьяларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масаласини Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилигисиз мустақил қўриб чиқишни назарда тутувчи ўзгартиш киритиш тақлиф этилмоқда.



Кенгаш тўғрисида”ги ва “Судлар тўғрисида”ги қонунларига судьялик лавозимида бўлишнинг энг куйи ёшини ўттиз беш ёшгача оширишни назарда тутувчи ўзгартиш киритиш тақлиф этилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Польша, Болгария, Украина, Қозғоғистон Республикаси ва бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилди ва унинг қабул қилиниши Кенгаш фаолиятида шаффофлик, очикликни таъминлаш, унинг асосий вазифаларини ўз вақтида бажарилиши, судьялик лавозимига номзодларни саралаш тизимини такомиллаштириш, судья бўлишга хоҳиши бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар, бўшлиқларни бартараф этишга ёрдам беради.

Мажлисада “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджетини шакллантириш ва ижро этишини муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди.

— Бугунги кунда Олий Мажлис палаталарининг ҳар йиллик бюджетлари Бюджет кодекси ва “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳаражатлар сметаси ва штар жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низоом билан шакллантирилмоқда, — деди фракция аъзоси Сиддиқ Номозов. — Амалийётда ҳар йили, январь ойининг бошида Молия вазирлиги Олий Мажлис палаталари раҳбариятини хат билан мамлакат парламентини сақлаш учун республика бюджетидан ассигнация қилинган

маблағлар тўғрисида ҳабардор қилади. Ушбу хатга мувофиқ Олий Мажлис палаталари девонлари томонидан март ойигача бўлган муддатда ҳаражатлар сметаси ва штарлар рўйхати Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат раиси тасдиқлагандан сўнг Молия вазирлигига юборилади.

Бундан ташқари, ҳар йили палаталар девонлари томонидан май–июнь ойидан бюджет мурожаатномаси шакллантирилиб, парламент палаталари девонлари раҳбарлари томонидан имзоланади ва 1 июлга қадар Молия вазирлигига юборилади. Ушбу ҳолатларнинг барчаси парламентнинг ҳаражатлар сметасини шакллантиришда унинг ҳақиқатда иштирок этмаслигидан далолат беради ва Олий Мажлис палаталари фаолиятини сақлаш ҳаражатлари учун бюджетни мустақил равишда шакллантириш масаласининг долзарблигини кўрсатмоқда.

Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш амалдаги парламент палаталари фаолиятини молиялаштириш механизмида бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини намоян этди.

Масалан, парламент палаталари фаолиятини молиялаштириш ҳажмлари нормативларини белгилашда Молия вазирлигига тобеллик мавжуд. Бу эса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат раисининг палаталар депутатлари, сенаторлари ва девонларни сақлаш смета ҳаражатларини тасдиқлаш бўйича конституциявий қўнчулар билан белгиланган ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ таъминланмаганлигини билдиради. Бу каби тобеллик халқро парламент амалиётига ҳам мувофиқ келмайди. Масалан, Швеция, Эстония, Руминия ва бошқа мамлакатларда уларнинг парламентлари бюджетини шакллантириш масаласи нафақат қонун, балки Конституция ҳаражатида белгиланган.

Йиғилишда бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди ва кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Р.МАВЛОНОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Муносабат

Бахшичилик — халқимизнинг қадим-қадим замонлардан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган турмуш тарзини куйга солиб, унинг шонли ўтмиши, орзу-умидлари, дарду ҳасратлари ўзига хос усулда ижро этилиши билан қадрли бўлган санъат тури саналади.

ҚАДИМИЙ САНЪАТИМИЗ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 май куни қабул қилган “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур санъатнинг муайян даврларда йўқотилган нуфузини тиклаш ва янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, ўтган даврда бу борада эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Алпомиш” достонининг минг йиллиги кенг нишонланиб, бадийи обида шарафига Термиз шаҳрида ҳамда атоқли бахшиларимиз хотира-ини абадийлаштириш мақсадида Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Бу бахшичилик санъати ва унинг ижодкорларига бўлган ўзига хос эътиром рамзидир. “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони таъсис этилди.

Халқро бахшичилик санъати фестивали мунтазам ўтказиб борилишининг йўлга қўйилиши халқро ўртасида маданий ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга ноёб санъат турини дунё миқёсида кенг тарғиб қилиш имкониятини яратди.

Глобаллашув жараёни миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Таъкидлаш лозимки, кўп асрлик маданиятимизга соя солишга хизмат қиладиган “оммавий маданият”, тижорат мақсадларини кўзлаб ноёб дурдоналаримизни сохталаштиришга зўр бераётган шоу-бизнес тилимизни нуқтичи, маданиятимиздан мосуво қилишда зоҳиран беозор, лекин аслида муайян таҳдид уйғотмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ушбу қарор айна пайтида қабул қилганини, ўзининг дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда дастуриламал бўлишини эътироф этади. Тарихимизни унутмаслик, тилимизни асраб-авайлаш, кўп асрлик маданиятимизни ривожлантириш орқали ўзлигимизни сақлаб қолишимиз мумкин. Халқимизни, биринчи навбатда, ёшларимизни аждодларга муносиб авлод қилиб тарбиялаш, Ватанга садоқат, юртга меҳр руҳида вояга етказишда маданий меросимизнинг ўрни беқиёс ҳисобланади.

Шу маънода, Термиз шаҳрида Республика Бахшичилик санъати маркази ва унинг ҳузурида Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси

ташқил этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Қарорга мувофиқ ташқил этилган Марказ ва жамғарманинг асосий вазифалари белгилаб берилгани соҳани тизимли ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Марказ фаолияти қадимий санъатимизнинг илмий-назарий ва амалий асосларини ижодий, илмий ишларини қўллаб-қувватлаш, сара асарлар намуналарини тўплаш, тарғиб этиш, оммавий байрам ва маданий тадбирларда кенг иштирок этиш билан уларни танитиш, халқро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, бахшичилик санъатини ёш авлодга ўргатишга қаратилган.

Ёшларимизнинг бахшичилик санъатига бўлган қизиқишини эътиборга олиб, мазкур санъатнинг бугунги авлодини тарбиялаш мақсадида Термиз шаҳридаги бахшичилик мактаби бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган Республика мактаб-интернатига айлантирилади.

Ноёб санъатимиз соҳаси — дўмбира, сибизга, чанқовуз, қўшна, ғажирнай, бўламон, қўбиз каби чолгу асбоблари ишлаб чиқариш мақсадида устоналар ташқил этиш, керакли асбоб-ускуна ва материаллар билан таъминлаш чораларини кўриш нафақат таълим масканлари, балки бахшичилик ривожланган ҳудудларимиздаги ҳар бир хонадонда ушбу чолгу асбоблари ўрин эгаллашига имконият яратди.

Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида бахшичилик санъати давлат ансамбллари, ушбу санъат тури ривожланган бошқа ҳудудларда вилоят ансамбллари тузиш, тегишли ҳудудлардаги мусиқа ва санъат мактаблари ҳузурида бахшичилик санъати синфларини ташқил этиш белгилаб қўйилган.

Қарор, ўз навбатида бахшичилик санъатининг илмий асослари, ноталари яратилиши, янги асарлар пайдо бўлиши, янгидан-янги ижодкорлар етишиб чиқиши, бу меросимизнинг умрбоқийлигини таъминлашга хизмат қилади. Умрбоқийлик эса аъна ва урф-одатларимиз руҳида яшашимизнинг асосидир.

Ўрол ҲАЙТОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси



Ҳамкорлик

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Абдулазиз Оққулов юртимизда сайёҳликни ривожлантириш, мавжуд ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш борасида ҳали қилинадиган ишлар жуда кўплиги, бу тўхтовсиз жараён экани, мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммоларни ечишда партия ва депутатларнинг роли кун сайин ошиб бораётгани, бунда, айниқса, ЎЗМТДП билан ҳамкорликни янада мустақамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бунинг учун ўзаро ҳамкорликнинг ҳаражат дастурида

МЕМОРАНДУМ ВА “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” ЯНГИЛАНДИ



белгиланган вазифалар тўлиқ ижро этилиши, қоғоздаги гоғлар амалиётга кўчиши керак.

Тадбирда Меморандум доирасидаги вазифалар, 2017–2018 йил “Йўл харитаси” ижроси атрофида муҳокама қилинди. Унда белгиланган “Туризм тўғрисида”ги қонун ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамкорликда тайёрлангани эътироф этилди. Бироқ туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш, сайёҳлик логистикаси хизматларини сифат жиҳатдан яхшилаш, малакали кадрларни тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик талаб даражасида эмаслиги, бу борада етарли ўрганишлар амалга оширилмаётгани танқид қилинди.

Учрашувда ҳамкорлик доирасида йўл қўйилган камчиликлар, эътибордан четда қолган масалаларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил иккинчи ярми ҳамда 2020 йилга мўлжалланган ҳамкорлик меморандуми имзоланиб, “Йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харитаси”да Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “2018–2019 йилларда туризм

соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг ижроси тўғрисида”ги ахбороти эшитувини ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан парламент ҳамда депутатлик назоратини ўрнатиш белгиланди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида тегишли ҳоким ўринбосарларнинг “Жойларда туризм соҳаси ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилмаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитувларини ташқил этиш режалаштирилди. Юртимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларининг алоҳида туризм рамзларини (бренд) шакллантириш ҳамда хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун сувенир маҳсулотларининг янги турларини яратиш мақсадида ёшлар орасида танловлар ўтказиш ва уларни муносиб рағбатлантиришга келишиб олинди.

Р.МАҲМУДОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Куйи палатада

МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒ ВА АКТИВЛАР

улардан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси яратилди

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шу ўринда асосий эътибор иқтисодий хизмат қилувчи тизимлар фаолиятини такомиллаштириш, мамлакат ва ҳудудлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда иқтисодийётни бошқаришда давлат ролини камайтиришга қаратилмаётгани алоҳида таъкидлаш жоиз.

Иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг янги босқичи аввалида давлат молиявий маблағи ва активларидан оқилона фойдаланиш, бюджет даромадларини асосли шакллантириш, ҳаражатларини мақсадли ишлатиш, қўшимча манбалар, имкониятларни излаб топиш долзарб вазифа қилиб белгиланди. Чунки йиллар давомида мавжуд имкониятларни ишга солишда оксоқликларга йўл қўйилгани, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш борасида назоратнинг замон талабидан орқада қолгани сир эмас.

Шуларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизнинг олий ташқи аудит ва молиявий назорат органи — Ҳисоб палатасининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида Президентимиз иккита фармон ва қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларга асосан “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Депутатлар лойиҳа концепциясини атрофида ўрганиб чиқди, масъул қўмита ишчи гуруҳи уни бир неча бор муҳокама қилди ва шу йилнинг 2 май куни биринчи

ўқишда қабул қилди. Қонун лойиҳаси Ҳисоб палатаси фаолиятини, жумладан, унинг бугунги туб ўзгаришлар шароитида самарали фаолият юритиши ва тизимли такомиллашувини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган.

Парламент куйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ишчи гуруҳи масъул органлар вакиллари, мутахассис ва экспертлар иштирокида мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича фаол иш олиб борди. Жумладан, ишчи гуруҳи муҳокамаларида сиёсий партиялар фракциялари, Экоҳаражат депутатлик гуруҳи, қўмита ҳамда алоҳида депутатлар томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан тақдим этилган тақлиф, фикр-мулоҳазалар кўриб чиқилиб, инобатга олинди.

Бу жараёнда ЎЗМТДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этди. Фракция аъзолари тақлифига кўра, қонун лойиҳасидаги Ҳисоб палатасининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, принциплари ҳамда мансабдор шахсларининг ваколатларига тегишли аниқликлар киритилди. Ҳисоб палатасининг ахборот ва маълумотлар алмашинуви соҳасида давлат органлари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари, унинг қонуний талабларини бажаришнинг мажбурийлиги ҳақидаги нормалар, палата фаолиятининг ташқил қилиниши билан боғлиқ қондалар янада такомиллаштирилди. Шунингдек, қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий атамаларнинг тўғри

қўлланилиши, нормаларнинг содда-равон акс этирилиши, адабий тил қоида ва талабларига риоя этилишини таъминлаш борасида бир қатор аниқликлар киритилди.

“Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси шу йилнинг 18 май куни Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида қабул қилинди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ҳисоб палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш билан бирга давлат активларини бошқаришнинг оқилона ташқил этилишига хизмат қилади.

Бу, албатта, ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатимиз пойтахти ва ҳудудлари, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантириш, айрим номунотаносибликларга барҳам бериш, одамларнинг яшаш шароитини тенглаштиришга қаратилган солиқ-бюджет сисъатини қўллаб-қувватлаш, молиявий маблағлар, айниқса, маҳаллий бюджет маблағларидан унумли фойдаланиш каби вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Абдурашид Тўхтабоев, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси



Давра суҳбати

Фарзанд — ҳаётимиз гултожи. Ҳар бир эзгу ҳаракатимиз замирида уларнинг келажаги, фаровон яшашини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Халқимиз менталитетида хос бу қадрият замонлар синовиди тобланиб, ўз шакл-шамойилини йўқотмай келаятир. Истиқлол йилларида бола ҳуқуқларини таъминлаш, уни қонун билан мустақамлаш юзасидан бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ: АМАЛИЁТ ВА САМАРА

Президентимизнинг шу йил 23 апрелда "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилингани бунинг ёрқин далилидир. Қарорга асосан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларини ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган болаларнинг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етуқ авлод бўлиб етиштирилиши таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ бир қатор чоралар белгиланди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши томонидан давлатимиз раҳбарининг "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифаларнинг ижроси устидан жамоатчилик, депутатлик ва парламент назоратини ўрнатиш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) котибияти ходимлари, ҳуқуқшунослар ва партия фаоллари иштирок этишди.

Давра суҳбатда таъкидланганидек, мамлакатимизда оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, БМТнинг 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда қайд этилганидек, эндиликда қарога кўра, ота-она қарамогисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган турар жойларни улар Меҳрибонлик уйларига жойлаштирилган, васийлик ёки ҳомилик органининг розилигига кўра васийликка ёки ҳомиликка олуви билан бирга яшаётган бутун вақт мубайнида, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар брондаштириш ҳуқуқи берилди. Болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан қатъий назар, уларга барча ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Болаларнинг давлат органларида бевосита қилган мурожаатларини кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги ва жараёнда бўлган мурожаатларни кўрсатган қолдиришга йўл қўйилмайди. Ўн саккиз ёшга тўлмаган

шахсларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онани бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга мурожаат қилмаган ҳолларда 14 ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёхуд ота-онани билан бирга яшашга бўлса, бир вақтнинг ўзиде ота-онанинг ҳар иккаласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли. Болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилган даъвогар давлат бож ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Энг эътиборли жиҳати шундаки, ушбу қарорда 2019 йилнинг 1 сентябидан Ўзбекистон Республикасида эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёши ўн саккиз ёш этиб белгиланди. Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойиллари ва умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилиши ҳақидаги тақлифлар маъқулланди.

Шунингдек, мазкур қарорда "Етим болалар ва ота-она қарамогисидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланди.

Давра суҳбатида "Миллий тикланиш" ДП фаоллари таъкидлаганидек, мазкур қарорнинг қабул қилиниши ёшлар билан боғлиқ салбий ҳолатларни узиш-кесил камайтиришга, олдини олишга хизмат қилади. Ушбу қарор юртимизда ювенал юстицияни ривожлантиришда муҳим қадам бўлиб, у вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ жараёнларни янги сифат босқичига олиб чиқиши шубҳасиз.

Жамиятда оила институти янада мустақамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, эрта турмушнинг олдини олиш, "Соғлом она ва соғлом бола" Концепциясини ҳаётга изчил татбиқ этиш каби масалалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифаларидандир. Шундан келиб чиқиб, тадбирда барча даражадаги партия ташкилотлари, партия фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг мазкур қарор ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши таъкидланди. Белгиланган вазифаларнинг ижроси устидан жамоатчилик, депутатлик ва парламент назоратини олиб боришга келишиб олинди.



Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Дуненинг кўпгаб давлатларида бўлганидек юртимизда ҳам бола ҳуқуқлари алоҳида соҳа сифатида ривожланган. БМТнинг 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси мамлакатимизда 1992 йилда ратификация қилинган.

Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда. Партияимиз фракцияси бола ҳуқуқлари масаласи юзасидан ўтган давр мубайнида иккита муҳим ҳужжат ташаббускори бўлди. Биринчиси, "Болаларни салбий ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун, иккинчиси, энергетик ичимликлар бўйича амалдаги учта қонунга қўшимча ва ўзгартиш киритилди. Фракция аъзолари партия ташкилотлари билан ҳамкорликда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг жойлардаги ижросини ўрганди. Хусусан, юртимиздаги 200дан зиёд "Баркамол авлод" марказлари, мактабгача таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолияти, умумтаълим ва musiқа мактабларида болалар қўшиқларининг ўргатилиши ҳолати ўрганилиб, тегишли вазирилик ва идораларга тақлифлар тақдим этилди.



Саидбек АЗИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили котибияти муdiri:

— Мустақиллик йилларида бола ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига эътибор кучайтирилди. Айниқса, сўнги уч йилда бу борада эътирофга лойиқ амалий ишлар йўлга қўйилди. Зеро, болаларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг баркамол авлод бўлиб етиштирилиши таъминлаш борасидаги фаолиятнинг институционал, ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Омбудсманга оилалар ўртасида бола ҳуқуқлари талаб қилиниши юзасидан ҳам талай мурожаатлар келиб тушаётир. Президент қарори жойлардаги ана шундай муаммо ва камчиликларга ечим топишга хизмат қилади.

Дунёда, инчунун мамлакатимизда Омбудсман хизмати ихтисослаштириш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бола ҳуқуқлари, маҳкум аёллар, бизнес омбудсмани ва ҳоказо, Дунё таърибаси, хусусан, Франция, Туркия ва қўшни Тожикистонда ҳам Бош омбудсманнинг муовини — Бола ҳуқуқлари бўйича Омбудсман жорий қилинган.



Фарҳод АҲМЕДОВ, Чилонзор туманидаги 6-сон Ички ишлар бўлими вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори, майор:

— Ички ишлар тизимида вояга етмаганлар билан ишлаш катта ёшлар билан ишлашга нисбатан мушкул ва масъулиятли. Бу эса тизимда фаолият юритаётган ҳар бир ходимдан маҳорат ва таърибани талаб этади. Бундан бир неча йиллар олдин туманларда вояга етмаганлар бўйича атиги 2 ёки 3 нафар ходим фаолият юритган. Айни кунда эса, мазкур йўналишда биргина Чилонзор туманида 16 нафар ходим фаолият юритмоқда. Бу эса юртимизда бугунги кунда вояга етмаганлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Вояга етмаган шахс ҳуқуқбузарлик содир этса ёки жиноятга қўл урса қонунга кўра, дарҳол ҳисобга олинми, ота-онани жаримага тортилади. Оғир жиноят турларида эса қонун юзасидан алоҳида жазо қўлланилади. Тарбияси оғир бола махсус мактабга жойлаштирилади. Пойтахт туманлари орасида Чилонзорда биринчи бўлиб UNICEF, Бош прокуратура ва Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарлик содир қилган, жиноят йўлига кириб қолган ёшларни ҳисобга олиш, махсус мактабга юбориш ўрнига ноанъанавий усулни қўллашга эътибор қаратилмоқда. Масалан, маҳалла билан ҳамкорликда бирор бир меҳнатга жалб этиш, касб-ҳунарга йўналтириш, тарбияси оғир қизлар ўртасида "Қувноқ стартлар", ўғил болалар ўртасида футбол мусобақалари, ёки уларнинг китобга, адабиятга ихлосини ошириш мақсадида "Китоблар олами" марказига олиб бориш каби тадбирлар ташкил этилмоқда.

Дилфуза МАҲҚАМОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Таҳлил ва таққос

"ҒАЛВИРНИ СУВДАН КЎТАРАДИГАН ВАҚТ КЕЛЯПТИ"

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси
Зебинисо ШОДИЕВА билан суҳбат

— Маълумки, яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтган, унда партия вилоят кенгаши фаолияти танқидий-таҳлил қилиниб, партия етакчиси томонидан аниқ вазибалар белгиланган эди. Ўтган муддат давомида вилоят кенгаши фаолияти билан танишган бўлсангиз керак? Дастлабки хулосаларингиз қандай?

— Албатта. Энг аввало шунга айтмоқчиманки, ЎзМТДП менга бегона эмас. Ундан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутат сифатида партиянинг дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан хабардорман ва уларни ҳаётга татбиқ этишда ваколатим доирасида ҳаракат қиламан.

Энди эса вилоят кенгаши фаолияти билан бевосита танишиш имконияти пайдо бўлди. Энг аввало, кенгайтирилган йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда фаолиятни таҳлил қилдик, уни янада жонлантириш, шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш бўйича вазифаларни белгилаб олдик.

Тан олиш керак, партия вилоят кенгаши фаолияти мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган шиддатли ислоҳот ва ўзгаришлар талаби даражасида эмас. Айрим туман кенгашлари иши ниҳоятда суст, тезкорлик етишмайди, эскича қарорларидан қўлчиланган айрим вазифалар мутасадди идоралар, партия кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари эътиборсизлиги сабаб, ижро этилмай қолиб кетмоқда.

Вилоятимизда сайёхлик инфра-тузилмасини янада ривожлантириш, туристлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, логистика билан боғлиқ хизматларни яхшилашга оид 20дан ортиқ тақлиф ишлаб чиқилган ва ЎзМТДП Марказий кенгашига тақдим этилган. Партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўрта асрлар Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тарихий меросини ўрганиш, улар томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб эканини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида тарихий мерос, миллий анъана, қадриятларимизга чўқур меҳр-ҳурмат уйғотиш мақсадида кўпгаб амалий тадбирлар ўтказилган. Мисол учун, вилоят кенгаши "Маънавият масканига саёхат" йўналиши бўйича мактаблар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини Пайриқ туманидаги Имом Бухорий мажмуаси ва халқаро илмий-тадқиқот марказига саёхат уюштиришга бош-қош бўлган.

Умуман, биринчи чоракда партия вилоят кенгаши ва маҳаллий ташкилотлар томонидан жами 173 тадбир: ўқув-семинар, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий учрашувлар ташкил қилинган. Уларда 11 мингдан ортиқ партия электорати, фаоллар иштирок этган.

— Самарқанд ҳақида гапирганда, унинг дунёга машҳур маданий меросига тўхталмасдан илож йўқ. Бугун Ўзбекистонга келган ҳеч бир сайёҳ бу тарихий шаҳарни зиёрат қилмасдан кетмайди. Бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилган, йўл қўйилган хато ва камчиликлар нималардан иборат?

— Дарҳақиқат, шахримиздаги бебаҳо маданий мерос билан нафақат самарқандликлар, балки бутун ўзбек халқи фахрлиниши айна ҳақиқат. Аммо дунё сайёҳларини мафтун этаётган бундай объектларни асраб-авайлаш борасидаги ишларимиз ҳали талаб даражасида эмас. Мамлакатимиздаги мавжуд моддий маданий мерос ёдгорликларни асраш, уларни реконструкция қилиш, консервациялаш, чегара ва муҳофаза ҳудудларини белгилаш, кадастр рўйхатидан ўтказиш масалаларига кўмаклашиш партияимиз олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Ўтган йилнинг сентябрь-октябрь ойида партиядан сайланган депутат сифатида Самарқанд вилоятидаги



тарихий иншоотларни хатловдан ўтказиш ишида фаол иштирок этдим. Аниқланган муаммо ва камчиликлар бўйича халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши сессияларига кўпгаб масалалар киритилди, қарорлар қабул қилинди. Уларнинг айримлари ижро қилинган, қилинмапти. Бироқ ҳаммаси эмас. Сессиялар қарорларида белгиланган айрим вазифалар мутасадди идоралар, партия кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари эътиборсизлиги сабаб, ижро этилмай қолиб кетмоқда.

Вилоятимизда сайёхлик инфра-тузилмасини янада ривожлантириш, туристлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, логистика билан боғлиқ хизматларни яхшилашга оид 20дан ортиқ тақлиф ишлаб чиқилган ва ЎзМТДП Марказий кенгашига тақдим этилган. Партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўрта асрлар Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тарихий меросини ўрганиш, улар томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб эканини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида тарихий мерос, миллий анъана, қадриятларимизга чўқур меҳр-ҳурмат уйғотиш мақсадида кўпгаб амалий тадбирлар ўтказилган. Мисол учун, вилоят кенгаши "Маънавият масканига саёхат" йўналиши бўйича мактаблар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини Пайриқ туманидаги Имом Бухорий мажмуаси ва халқаро илмий-тадқиқот марказига саёхат уюштиришга бош-қош бўлган.

Умуман, биринчи чоракда партия вилоят кенгаши ва маҳаллий ташкилотлар томонидан жами 173 тадбир: ўқув-семинар, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий учрашувлар ташкил қилинган. Уларда 11 мингдан ортиқ партия электорати, фаоллар иштирок этган.

— Самарқанд ҳақида гапирганда, унинг дунёга машҳур маданий меросига тўхталмасдан илож йўқ. Бугун Ўзбекистонга келган ҳеч бир сайёҳ бу тарихий шаҳарни зиёрат қилмасдан кетмайди. Бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилган, йўл қўйилган хато ва камчиликлар нималардан иборат?

— Дарҳақиқат, шахримиздаги бебаҳо маданий мерос билан нафақат самарқандликлар, балки бутун ўзбек халқи фахрлиниши айна ҳақиқат. Аммо дунё сайёҳларини мафтун этаётган бундай объектларни асраб-авайлаш борасидаги ишларимиз ҳали талаб даражасида эмас. Мамлакатимиздаги мавжуд моддий маданий мерос ёдгорликларни асраш, уларни реконструкция қилиш, консервациялаш, чегара ва муҳофаза ҳудудларини белгилаш, кадастр рўйхатидан ўтказиш масалаларига кўмаклашиш партияимиз олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Ўтган йилнинг сентябрь-октябрь ойида партиядан сайланган депутат сифатида Самарқанд вилоятидаги

тарихий иншоотларни хатловдан ўтказиш ишида фаол иштирок этдим. Аниқланган муаммо ва камчиликлар бўйича халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши сессияларига кўпгаб масалалар киритилди, қарорлар қабул қилинди. Уларнинг айримлари ижро қилинган, қилинмапти. Бироқ ҳаммаси эмас. Сессиялар қарорларида белгиланган айрим вазифалар мутасадди идоралар, партия кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари эътиборсизлиги сабаб, ижро этилмай қолиб кетмоқда.

Вилоятимизда сайёхлик инфра-тузилмасини янада ривожлантириш, туристлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, логистика билан боғлиқ хизматларни яхшилашга оид 20дан ортиқ тақлиф ишлаб чиқилган ва ЎзМТДП Марказий кенгашига тақдим этилган. Партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўрта асрлар Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тарихий меросини ўрганиш, улар томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб эканини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида тарихий мерос, миллий анъана, қадриятларимизга чўқур меҳр-ҳурмат уйғотиш мақсадида кўпгаб амалий тадбирлар ўтказилган. Мисол учун, вилоят кенгаши "Маънавият масканига саёхат" йўналиши бўйича мактаблар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини Пайриқ туманидаги Имом Бухорий мажмуаси ва халқаро илмий-тадқиқот марказига саёхат уюштиришга бош-қош бўлган.

Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг бу борадаги кўрсаткичи 145 тани ташкил қилади. Аммо гап шундаки, бу жараёнда депутатлик сўроларининг долзарблигига эътибор қаратилмаган. Одамларнинг турмушини яхшилашга оид ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим ижтимоий муаммолар қолиб, кундалик ҳаётимизда унчалик аҳамият касб этмайдиган масалалар киритилган.

Айрим депутатлик гуруҳлари масала киритишга киритгану, унинг натижаси билан қизиқмаган. Вақтида жавоб қайтарилишини назорат қилмаган...

— Юқорида талай камчилик ва муаммоларни санаб ўтдингиз. Уларга тезроқ ечим топиб, вилоят кенгаши ва ҳудудий ташкилотлар фаолиятини жонлантириш учун нималар қилиш керак, деб ҳисоблайсиз? Қандай режалар кўзда тутилаятир?

— Фаолиятида оқсоқлик кузатишган туман кенгашлари раислари билан алоҳида гаплашиб олдик, биринчи навбатда, зарур бўлган вазифаларни белгиладик, топшириқлар бердик. Агар қисқа вақт ичида фаолиятида ўзгариш бўлмаса, жойини бўшатиши лозимлиги ҳақида огоҳлантирдик.

Вилоят миқёсидаги давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар билан алоқаларни янада кенгайтириш, улар билан ҳамкорлик қилиш, меморандуми имзолаш бўйича ишларни бошлаб юбордик. Чунки аҳолидан тушаётган мурожаатларни уларнинг ёрдамисиз тезда ҳал қилиш қийин. Қолаверса, партиёга янги аъзоларни жалб қила олсак, янги натижага эришамиз.

Яна бир синов палласи — сайлов арафасида турибмиз. Бунда, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш лозим. Чунки, электорат манфаатини ҳимоя қилишда асосан уларнинг қучига таянамиз. Улар орасидан партиявий лавозимларга муносиб номзодларни саралашимиз керак.

Ғалвирни сувдан кўтариш вақти тобора яқинлашяпти. Партиядан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар орасида номингагина фаолият кўрсатиб, масъулиятни тўла ҳис қилмаётган депутатлар ҳам бор. Уларнинг номзодини бўлажак сайловда илгару суриш ёки сурмаслик ҳақида ҳозирдан жиддий бош қотиришимиз зарур. Бундай фаолиятсиз депутатларга энди орамизда жой бўлмаслиги керак. Чунки халқ вакиллари зиммасига бугунги кунда жуда катта масъулият юкланган.

Аксинча, партиянинг "Уйма-уй", "Хизмат — беминнат", "Депутат билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида маҳаллама-маҳалла, хонадон-ма-хонадон юриб, одамларнинг муаммоларига ечим излаётган, амалга оширилаётган ислоҳотларда ўзининг ташаббускор ғоя ва тақлифлари билан фаол қатнашаётган депутатларни қўллаб-қувватлашимиз зарур. Энг муҳими, мамлакат, халқ тақдири учун масъулият ва дахлдорлик туйғусини ҳис қилган раҳбар одамларнинг ўтаётган ҳар бир кундан рози бўлиб яшаши, уларнинг эртанги фаровон кунимизга бўлган ишончини янада ошириш учун тиним билмай ишлаши, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ишлаганда ҳам ўзини қийнаб ишлаши лозим. Шундагина ишимизда унум бўлади, қўзлаган мақсадларга тезроқ эришамиз.

"Milliy tiklanish" мухбири Равшан МАҲМУДОВ суҳбатлашди

Партия лойиҳаси — амалда

“ХИЗМАТ — БЕМИННАТ” ДАН МИННАТДОРМИЗ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 19 март кунли бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, янги авлодда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига эътибор қаратиш бўйича 5 муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Ушбу ташаббуснинг бешинчиси бевосита хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни касб-хунарли қилиш, жамиятдаги фаол иштирокини оширишга қаратилган.



» Бугун Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси умумий аъзолари сонининг 48,3 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади
» 2018 йилда “Хизмат — беминнат” лойиҳаси доирасида республика бўйича ташкил қилинган 650 ўқув курсига 3 минг 381 нафар хотин-қиз қамраб олинди
» 105 нафар лойиҳа иштирокчиси ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, 300 нафарга яқин хусусий корхоналарга ишга жойлаштирилди
» 2019 йилнинг ўтган даврида мазкур лойиҳа доирасида ташкил этилган 324 ўқув курсида фақат хотин-қизларга касб-хунар ўргатилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ана шу эзгу ёғини амалга оширишга кўмаклашиш учун ўзининг бир қанча ҳаётий лойиҳа ва ташаббуслари воситасида уюлмаган аёллар ҳамда ёшларни касб-хунарли қилиш, уларни ишга жойлаштириш, бандлигини таъминлашга имконият ва шароит яратмоқда. Бунда айниқса, 2017 йилдан буён ҳаётга татбиқ этиб келинаётган “Хизмат — беминнат” лойиҳаси муҳим механизм бўлиб хизмат қилаётди.

Партия “Аёллар қаноти” томони-

дан биргина 2018 йилда маҳалла-ларда истиқомат қилаётган вақтинча ишсиз, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар фарзандларининг бандлигини таъминлаш, “устоз-шоғирд” анъаналари асосида уларни касб-хунарли қилиш мақсадида “Хизмат — беминнат” лойиҳаси доирасида республика бўйича 650 ўқув курси ташкил қилиниб, уларга 3 минг 400га яқин хотин-қиз қамраб олинди. 105 нафар лойиҳа иштирокчиси ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, 300га яқин хотин-қиз

партия ташкилотлари кўмағида хусусий корхоналарга ишга жойлаштирилди.

Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Жойларда партия ташкилотлари ва депутатларимиз кўмағида хотин-қизларни касб-хунарли қилиш ва шу асосида уларнинг бандлигини таъминлашга ҳисса қўшилади. 2019 йилнинг ўтган даврида мазкур лойиҳа доирасида жами 850дан ортиқ ўқув курси ташкил этилган бўлса, уларнинг 324 таси фақат хотин-қизларни касб-хунарли қилишга қаратилган. Улар асосан тикуччилик, тўқувчилик, дизайнлик, каштачилик, зардўзлик, дўппидўзлик, чопондўзлик, кўрпадўзлик, гиламдўзлик, миллий либосларга безак ясаш, матога гул босиш, миллий кўғирчоқ ва бисердан сувенир буюмлар тайёрлаш, пазандалик, қандолатчилик, сартарошлик, ҳамширалик, ўймакорлик, ҳайкалтарошлик, иссиқхоналарда полиз экинлари етиштириш каби йўналишда касб-хунар ўрганимоқда. Мазкур курсларга 1 минг 637 нафар хотин-қиз қамраб олинган. Уларга ўз соҳасининг устаси бўлган кўнглилар, республика ва халқаро танловлар ғолиблари касб-хунар сирларини ўргатаётди.

Худудлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкент вилоятида 38 ўқув курсига 487, Наманган вилоятида 32 курсга 142, Фарғона вилоятида 31 курсга 122, Хоразм вилоятида 30 курсга 133, Навоий вилоятида 30 курсга 90, Самарқанд вилоятида 26 курсга 136, Қорақалпоғистон Республикасида 25 курсга 117, Қашқадарёда 24 курсга 84, Сурхондарёда 23 курсга 68, Андижонда 22 курсга 60, Бухоро вилоятида 17 курсга 28, Сирдарёда 15 курсга 80, Тошкент шаҳрида 7 курсга 58, Жиззах вилоятида 4 курсга 32 нафар хотин-қиз жалб этилган. Бу каби амалий ишлар Президентимиз ташаббусини ҳаётга татбиқ этишга, партия мақсад-вазифалари ижросига, энг муҳими, минглаб ола-сингилларимизнинг касб-хунарли бўлишига хизмат қилади.

Турли хуналарни эгаллаб, “Хизмат — беминнат” лойиҳасидан миннатдор хотин-қизлардан бир гуруҳини суҳбатга чорладик.

Альбина ХОДЖАЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани:

— Қиз боланинг касб-хунарли бўлгани, аввало, ўзига яхши — эртага катта ҳаёт йўлида ўрганган хунари унга йўлдош ва кўмакдош бўлади. Тикуччиликка ёшлигимдан қизиққанман. Ўзимча янги дизайнлар ўйлаб топиб, кўғирчоғимга бир нималар тикиб берадман. Аммо оилавий шароитимиз туфайли бу хунарни мукамал ўрганишга имкон бўлмаётган эди.

ЎзМТДП Мўйноқ туман кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан тумандаги “Gold Muynak Masters” масъулият чекланган жамиятида “Хизмат — беминнат” лойиҳаси доирасида бепул тикуччилик курси очилганини эшитиб, дарҳол бу ерга келдим. Чунки бундай имкониятдан унумли фойдаланиш орауларим сари етаклашини ҳис қилдим. Айни пайтда мен сингари бир гуруҳ мўйноқлик хотин-қизлар “Gold Muynak Masters” МЧЖ раҳбари, моҳир тикувчи, устозимиз Жамила Қарлибаевадан тикиш-бичиш сирларини ўрганаётимиз. Раҳбаримиз “устоз-шоғирд” анъанасини давом эттирган ҳолда ўзида борини бизга ўргатаётганидан хурсандимиз. Ана шундай қўлай имкониятни тақдим этган ЎзМТДП ташкилоти ва ташаббускорларига ҳам миннатдорлик билдираимиз.

Сарвиноз БОЛТАЕВА,
Навоий вилояти Навбахор тумани:

— ЎзМТДПнинг “Хизмат — беминнат” лойиҳаси ҳақида эшитган, ўқиган эдим. “Қанидй, бизга яқин жойда ҳам ана шундай ўқув курслари очилсаю бундай имкониятдан фойдалансам”, дердим. Яқинда туманимиздаги Бешрабод қишлоғида жойлашган парда тикиш цехида ана шундай бепул янги курс очилганидан хабар топиб, қувониб кетдим.

Айни пайтда цех раҳбари, хунараманд Азиза Худойқулова кўмағи билан парда тикиш сирларини эгаллаётиман. Бу ерда нафақат парда тикиш, балки устозимиз ёрдамида бичиш, дизайн яратиш усулларини ҳам ўрганимоқдам. Чунки замонавий пардаларнинг турли хиллари яратилаётган бир пайтда бу хунарни пухталиқ ва моҳирлик билан эгаллаш, сир-асрорларини ўрганиш жуда муҳим. Шу боис бу имкониятдан унумли фойдаланиб, келгусида устозим сингари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирдим.

Ойгул САНОҚУЛОВА,
Тошкент шаҳри Учтепа тумани:

— Ўшим 35да, уч фарзандим бор. Бугун юртимизда хотин-қизларни касб-хунарли қилиш, бандлигини таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётгани бизни ўз устимизда ишлашга, мавжуд имкониятлардан фойдаланишга ундамоқда. Касб-хунар эгаллашинг эса эрта-кечи бўлмайди.

ЎзМТДП Учтепа туман кенгаши томонидан партиянинг “Хизмат — беминнат” лойиҳаси доирасида маҳалламизда жойлашган тикуччилик марказида бепул ўқув курси очилган эди. Унга шу ҳудудда истиқомат қилувчи, вақтинча ишсиз ва яшаш шароитини яхшилашга муҳтож бўлган хотин-қизлар бириктирилди. Жумладан, мен ҳам олти ойдан бери марказ раҳбари Гулчехра Жумаевадан тикуччилик сирларини пухта ўрганипман. “Хунарни киши хор бўлмас” деганларидек, келгусида касб-хунарли бўлиб, албатта, оиламиз моддий фаровонлигига ҳиссамни қўшаман.

Зарнигор ДОНИЁРОВА,
Бухоро шаҳри:

— Гиламчилик миллий хунарамандчилигимизнинг энг қадимий, бой ва гўзал турларидан бирidir. Ёшлигимиздан хонадонларимизни тўлдириб, унга чирой бериб турадиган турфа ранг ва хилдаги гиламлар кўзимизни яшнатарди. Уни қандай қилиб тўқишаркан, ранглари, гуллари ни қай тарзда чиқаришаркан, дея ҳайратланардим.

Бугун ўзим гиламчиликнинг сир-асрорларидан воқиф бўлиб, шу қўлларим билан гилам тўқиш, бу хунарни чуқур ўрганиш имконига эга бўлдим. Бунинг учун Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг “Хизмат — беминнат” лойиҳасидан миннатдорман. Сабаби мазкур ҳаётий лойиҳа доирасида Бухоро шаҳридаги Лаби ховуз ансамблида жойлашган гилам тўқиш цехида ташкил этилган кўнглиларнинг 2019 йилнинг февраль ойидан буён гилам тўқиш сирларини бепул ўрганиб келяпман. Устозимиз Улуғбек Қосимов момоларимиздан мерос бу хунарни миллий ва замонавий усулларини, йўналишларини бизга кўнгли билан ўргатди. Ўз қўлларимиз билан яратган меҳнат маҳсулларимиз одамларнинг уйига кўрқ бағишлашдан, қолаверса, сабр ва матонат талаб қиладиган қадимий бир хунар турини ўрганаётганимдан қувонаман.

Мухтарама КОМИЛОВА,

“Milliy tiklanish” мухбири

Кўрик-танлов

“МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ТАСАВВУРИМДА” КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 19 март кунли бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ижтимоий, маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси худудий ташкилотлари ҳам ушбу ташаббус ижроси доирасидаги амалий ишларда фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси девончи раҳбари Шерзод Холматов. — Мактаб босқичида шахримизнинг барча таълим муассасаларидан икки йўналиш бўйича 14–17 ёшдаги 5 минг нафар ўқувчи иштирок этиб, шундан 500дан ортиқ ўқил-қиз туман босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳакамлар ҳайъати 22 нафар ғолибни аниқлайди ва улар шу йилнинг сентябр ойида ўтказилиши белгиланган Тошкент шаҳар босқичида иштирок этади.

Танловда халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам қузатувчи, ҳам ҳакам сифатида иштирок этмоқда.

Шунингдек, ҳакамлар гуруҳига Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзолари, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий раҳматлик ва дизайн институтидан мутахассислар жалб қилинган.

— Албатта, шоира қизларимизнинг ижод намуналарини ҳали жудаю мукамал деб бўлмайди, — дейди танловнинг



дан иборат, — дейди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси девончи раҳбари Шерзод Холматов. — Мактаб босқичида шахримизнинг барча таълим муассасаларидан икки йўналиш бўйича 14–17 ёшдаги 5 минг нафар ўқувчи иштирок этиб, шундан 500дан ортиқ ўқил-қиз туман босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳакамлар ҳайъати 22 нафар ғолибни аниқлайди ва улар шу йилнинг сентябр ойида ўтказилиши белгиланган Тошкент шаҳар босқичида иштирок этади.

Танловда халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам қузатувчи, ҳам ҳакам сифатида иштирок этмоқда. Шунингдек, ҳакамлар гуруҳига Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзолари, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий раҳматлик ва дизайн институтидан мутахассислар жалб қилинган.

— Албатта, шоира қизларимизнинг ижод намуналарини ҳали жудаю мукамал деб бўлмайди, — дейди танловнинг

Олмазор тумани босқичида ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этган таниқли шоир, Ёзувчилар уюشمаси аъзоси Туроб Ниёз. — Чунки она Ватан, мустақиллик ҳақида шеър ёзишга баъзан таниқли шоирларнинг ҳам қалами оживил қилади. Бундай танловлар адабиёт оstonасида турган ёш йигит-қизларимизнинг иқтидорини янада сайқаллаштириши билан бирга уларнинг китобхонликка бўлган қизиқишини ошириши шубҳасиз. Қолаверса, келажакда ёш ижодкор қизларимиз орасидан Увайсий, Нодирабегим, Зулфияхоним издошлари чиқишига ишонаман.

Кўрик-танловнинг туман босқичи ғолиблари ва барча иштирокчилар ЎзМТДП туман кенгашлари, депутатлар ҳамда ҳакамор ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо савғалари билан тақдирланди.

Лола МИРАЛИЕВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси

“БУЛБУЛЧА” ЯНА САҲНАГА ҚАЙТДИ

бунда ЎзМТДП ўрганишларининг ҳам ҳиссаси бор



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловди Платформасида мамлакатимизда болаларнинг руҳий-маънавий дунёси, маданий савияси ва маънавиятини юксалтириш, истеъдодлар сафи кенгайишига ҳисса қўйиш, маданият маканлари, “Баркамол авлод” болалар марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари ривожига кўмаклашиш каби мақсад-вазифалар устувор ўрин эгаллайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, партия вакиллари ва ундан сайланган депутатлар томонидан мактабгача таълим даргоҳлари, умумтаълим мактабларидаги мусиқий таълимнинг сифати, болалар қўшиқчилигининг бугунги ҳолати атрофлича ўрганилди. Таҳлиллар давомида мазкур таълим даргоҳларининг моддий техник-базасини такомиллаштириш, болалар қўшиқчилиги, вокал-хор таълимини ривожлантириш, мусиқа ўқитувчиларини тайёрловчи олий ўқув юртлири ҳамда мусиқа мактабларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, республикада таниқли бўлган “Булбулча” болалар ашула ва рақс ансамблидаги муаммолар ўрганилиб, тегишли ташкилотлар кўмағида унинг яна оёққа туриб олишига кўмаклашилди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Маданият ва Мактабгача таълим вазирликлари, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюشمаси, “Илҳом” жамоат фонди ҳамда бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигида илк бор “Болалар қўшиқлари” Республика фестивал-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш ва лойиҳа қатнашчилари иштирокида гала концерт бўлиб ўтди. Концертда “Булбулча” болалар ашула ва рақс ансамбли, “Томоша” болалар театр студияси, “Асалой” ўзбек халқ чолғулари ансамбли, “Томчи” ансамбли, “Бойчечак” болалар ансамбли ва “Келажак авлод” (Ангрен) болалар гуруҳи иштирок этди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур танлов эълон қилингандан сўнг республикамизнинг барча вилоятдан 150 тага яқин болалар қўшиқлари тақдим этилди. Танловнинг саралаш босқичидан 86 та болалар қўшиғи сараланиб, танловнинг якуний республика

босқичига тавсия этилди. Танлов босқичлари шу йилнинг март ва апрель ойида Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюشمаси ва унинг худудий бўлимида икки (мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун ҳамда бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган қўшиқлар) йўналишда ўтказилди. Танловга тақдим этилган қўшиқлар профессионал ижодкорлардан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Фестивалда болалар ижро этган айниқса, “Пос-бонман”, “Баҳор келди”, “Ужазоним”, “Баркамол авлод” сингари қўшиқлар иштирокчиларга завқ-шавқ бағишлади.

Хулоса ҳамда болалар натижасига кўра, бастакор Жумадилла Назаровнинг шоира Умида Абдуазимова қаламига мансуб “Фил” ҳамда Дилшод Ражаб шеъри асосида Хуршида Ҳасанова томонидан басталанган “Ҳар ён чиройли” қўшиғи 1-ўринга умумсиз деб топилди. Фестивалда Гран-при “Булбулча” болалар ашула ва рақс ансамбли ҳамда “Томоша” болалар театр студиясининг хор жамоасига насиб этди. Фестиваль-танлов совриндорларига ЎзМТДПнинг ҳам махсус савғалари топширилди.

Шермат ЁРМАТОВ,
“Булбулча” болалар ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари, профессор:

— Президентимизнинг 5 ташаббусидан биринчиси ёшларнинг мусиқа, раҳматлик, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, қобилиятини намоён қилишга кўмаклашишдан иборат. Бугунги болалар қўшиқчилиги бўйича танлов мана шу ташаббуснинг амалдаги натижаси сифатида юртимизда илк мартаба ўтказилмоқда. Буни самарали ташкил этишда иштирок этган барча ҳумий ташкилотлар, ансамбллар раҳбарлари ва ўқитувчилар ҳамда мана шу санъатга меҳри банд болаларнинг ота-оналарига миннатдорчилигини билдираман. Ишонманки, ушбу фестивал-танлов келажакда халқаро миқёсдаги фестивалга айланади.

Шу ўринда яна бир гапни алоҳида таъкидлашни истардим, кўпчилик хабардор бўлса керак, ансамблимиз бир муддат муайян қийинчиликни бошдан кечирди. Хатто тарқаб кетиш ҳолати вужудга келиб қолди. Шунда бизга Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари келиб, шароитимизни ўрганиб, муаммоларимиз билан қизиқиб, мутасадди идораларга тақлифларимизни олиб чиқилди. Шу туфайли мана бугун яна саҳнадаимиз. Фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига миннатдорчилик билдираман.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Этиром

Улуғ сиймолар ёди

Замонасининг ҳар томонлама етук аёлларидан бири Гуландом Боқиева фозил, олим, ҳақим бир инсон хонадониди дунёга келди. Илм қонига, тийнатиға сўт билан кирди, тан-лайини илм билан кўтаришди, ўнг қулоғини илм билан очдилар.

ИЛМ МУЗАЙЧАСИ



Кейин у илмнинг соф қорилган дунёси, тил ва тиллар илми, уларни ўрганиш, назарий-амалий асосларини мустақам эгаллашдан бир зум узилгани йўқ. Отанинг илмга муҳаббати, илм-парварлиги унга узвий таразда кўчиб ўтди. Илм илмини чақиради, уни эгаллашдаги машаққатли, мураккаб йўллари тиканлардан тозалайди. Соф ҳақиқатлар эшикларини очади. Гуландом атоқли олимлар, муаллимлар таълим-тарбиясидан бир сония ҳам баҳрасиз қолмади, устозлар унинг тарбиясидан ҳеч қачон чекинмадилар. У устозларга муносиб бўлиш, уларнинг ишларини давом эттириш, янги марраларга етказишни юрагига туйди ва илмий мақсадларини собитқадамлик билан юзага чиқарди.

...Бир кеч қўлимга эски бир китобни олиб, соф муроқабда ўтирдим. Рухиятим, кайфиятим тароватини йўқотмаган, бузилмаган, сийқаланиб кетмаган сўзлар, муносабатлар, ҳолларга ташналик туярди. Телевизорда шу кеч Жанубий Америка, Колумбия, Чили соҳилларида одамлар балан, очик тепаларга чиқиб, ой тугилиши манзараларини берилиб томоша қилаётганларини кўрсатарди. Бир беш-олти яшар дўмбоқ болакай, ота-онасини нари-бери суриб узун дўрибга зун бериб бурнини тикишга уринарди. Ойни бурни билан кўрмоқчи бўларди. Э-ҳа, бунақада астронорм бўлиши тайин. Ҳаётдан кутилмаган йўл танлаяпти. Ой, Қуёш тугиладиган кунлар барча одамларнинг кўнгиллари маънос, маъзуликка мойил бўлади. Табиатида оламшумул тўсиқ пайдо бўлади, уни енгиб ўтиш иродасини уйғотади. Ёнимдаги узоқ сайрайдиган унолғудан мангу бедор куй-қўшиқ эшитилади. Эй-вой, дунёда яна шундай дилбар ва ўктам овоз бормикан.

**Эй маҳваши замона,
Эй ёр, хуш келибсиз!..**

Гуландомни ўйлаб ўтирдим, хаёлимда бу мислсиз "Хуш келибсиз!" унга айтаётгандай, уни ҳаёт ва илм оламига қайта-қайта чорлаётгандай, шу жозиба дунёсида мангу қол, деб ундаётгандай туюлди. Қўлимда варақларни очик ва ичидан нафис қаламбир ва мушқ ҳиди келаятган Муқимийнинг 1942 йилда Фафур Фулом ва Уйғун нашр қилган "Талланма" деб номланган китобини энди эски кайфиятларга толиб бўлиб беихтиёр варақладим. Ҳозир "Сайланма", "Танланган асарлар" деб айтишга одатланганмиз. Лекин 1942 йилда икки буюк шоиримиз "Талланма" деган сўзни қўллаган экан. Менга у ҳозир жуда жажжи бўлиб кўринад.

Шу пайт телефон чатир-чутур қилиб, Ҳалим Саидовнинг овози эшитилди. Салом-алиқдан сўнг Ҳалимбой: "Иброҳим ака! Сизлар Гуландом опа билан бирга ишлагансизлар, партия тузгансизлар, Жаҳон тиллари университетиди "мастер-класс" ўтгансиз... икки оғиз дил сўзи ёзиб беринг", деб арзи-ниёз қилиб қолди.

Қаранг, маҳваши замона қандай хушхабар келтирди. Кўзим устига қабул қилдим. Қайд қилиб қўйдимки, фақат икки оғиз дил сўзигина эмас, ростакан розидил ёзиб бераман.

Яна Муқимий "Талланма" сизга қарадим: жон-дилдан севган мураббага кўзим тушди. Муқимий мурабба ва мухаммас ёзишда тенгсиз эди:

**Дилда васлинг эди умри таманно,
Хаёлингни қилур вақти тамошо.
Ногоҳ оинага боқиб нигоро
Маҳеу ҳайронларинг ёдимга тушти.**

**Э истиғно Фирдавсининг насимий
Ёд этмадинг қадрдон деб қадимий.
Умид этдим ҳар ердиким Муқимий
Аҳду паймонларинг ёдимга тушти.**

Мана шу "Ёдимга тушти" да бу ҳаёт ўз кору борлари билан мужассам эди ва беқиёс, беистисно гўзал эди.

Ёдимга тушди...

Бундан ўн йилларча муқаддам Жойсининг "Улис"и таржимасига бош-охир гирифтор бўлиб юрганымда, ҳеч ким менга "келинг, бирга ишлайлик", деб оғиз очмаганда, Гуландом кутилмаганда: "Университетга келинг. Талабаларга таржима тажрибаларингизни ўргатинг. Мастер-класс ўтинг. Фақат шу: бошқа ҳеч нарса билан банд қилмаймиз", деб таклиф қилди. Таклифни ғоят камтарлик, ибод билан ийманиб айтди. Рози бўлдим.

Бир қанча йиллар бирга ишладик. Бу иш хаёлимни янгилади, ҳолим ҳам янгиланди. Ёшлик тўлкинларига кирдим.

Ўша пайтлар профессор Гуландом Боқиева ва ажойиб олим, педагог Омон Мўминов менга худди юрагимдаги теран бир орзуни уққандай: "Бадиий таржимонлик мутахассислиги" бўйича дарслик қўлланмамиз йўқ. Ижодий фаолиятингизда катта тажриба йиғансиз. Материалларингиз кўп. Шу қўлланмани кечикмай ёзиб беринг", деб буюртма берди. Бу совқотиб юрганда оловдай туюлди менга. Уч ой жадал шугулландим. "Таржимон мутахассислиги" га кириш" деган қўлланма-дарслик юзага келди. Талабалар ҳамон бу адабиётга олиб кирадиган китобни ўқиб юришади. Шунинг баҳонасида Омон Мўминов домла ва тиллар билимдони Носир Қамбаров билан ҳамкорликда янги "Таржима назарияси"ни ўқувчи ёшларга тақдим этдик. Гуландом Боқиева бу ижодий-илмий ишларга жонқуяр, бош-қош бўлиб турди.

Жонқуяр деяпман. Гуландом Боқиеванинг холисанило жонқуярлиги, фидокорлигига тараф йўқ. Ёшлигимизда Раҳима Аминова, Сабохат Азимжонова, Музайяна Алавия, Фозила Сулаймонова, Сунома Фаниева сингари илм-фан дунёсида ажойиб, фидокор, жонқуяр аёлларнинг миллат онасидай фаолиятларидан баҳрадор бўлардик. Улар ўз соҳилларида тарбия, мумтоз адабиёт, тилшунослик, халқ ижодиёти соҳаларида улуғвор гўзал инсоний ишларни амалга оширган, авлод-авлод ёшларни тарбиялаганди.

Гуландом Боқиева шундай улуғ, фидокор аёллар изидан борди.

Олима ёшларни илм-фан соҳаларини чуқур эгаллашга илҳомлантирди, рағбатлантирди, бутун фикру хаёлини уларни илмга қизиқтиришга берди. Университетда "Филология масалалари" деган жуда салмоқли илмий журнал чиқаришга бутун куч-қувватини берди. У университетлар нашрлари ичиди энг ёрқин, илмий теран ва ғоят фойдали нашрлардан бирига айланди. Гуландом Боқиева қанчадан-қанча турли илмий кенгашлар, ранг-баранг комиссияларни бошқаради, улар охири-оқибат илм тараққиёти, ёшларнинг илм салоҳиятларини ўстириш-тарбиялашга хизмат қилишини истади.

Гуландом Боқиева, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Лола Саидова, Хайринисо, Муюсар Раззоқова, Мунира Қориева, Қаландар Хўжаев, Акмал Саидов, Шарифа Салимова ва бошқа қадрдон дўстлар билан қанчадан қанча ижодий кечалар, учрашувлар, семинарлар ўтказганмиз. Ҳаммаси истиқлолимиз, истиқболимиз, миллий қадриятларимизни тиклашга бағишланганди. Ва қанчалар илҳомбаш ўтарди бизнинг анжуманлар! Миллий тикланиш анжуманлари! Зеро, миллий тикланишимизнинг ғилдираклари эдик.

Биз яна Гуландом Боқиева билан яқин ҳамкорликда "Ўзбекистон таржимонлари" деб аталган йирик лойиҳа устида иш олиб борган, лойиҳа режалари, проектларини тузган ва бу ўша пайтда маблағ балан таъминлашга тақалиб, улуғвор ғоя ва лойиҳа юзага чиқмаганди.

Гуландом ростдан ҳам ҳаммамизни илҳомлантирар, ишонч билан жонни фидо қилиб ишлаш, интилишига ундарди.

Шеллинг айтган экан: "Гўзаллик бўлмаган ҳақиқат ҳақиқат бўлмайди, худди шунингдек, ҳақиқат бўлмаган гўзаллик гўзаллик бўлиши мумкин эмас."

Гуландом ҳаётини шундай гўзаллик, шундай ҳақиқатга бағишлади.

**Иброҳим
ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
санъат арбоби**



АДИБНИНГ СЎНГТИ КУЗИ...

Нофармон хотиралар олами ичра атоқли адиб, моҳир таржимон Носир Фозилов ила кўришдим, суҳбатлашдим...

Куни кеча эмасмиди, Носир ака аёли Муборак опа билан Дўрмон ижод боғи йўлаклари бўйлаб оҳиста кезиб, пастгина овозда суҳбатлашиб юргани...

Куни кеча эмасмиди, шогирдлари даврасида гурунг бериб, ўзи кулмай ҳаммани кулдиргани, ажойиб-ғаройиб воқеаларни гапириб бериб, суҳбатдошлари кўнглини ёруғ қилгани...

Эсимда, Носир ака ҳар йили туғилган кунда (Носир ака 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунда туғилган) дастурхон тузаб, шогирдлари, барча кўнгли яқинларига "ҳақ бериш"ни хуш кўрарди. Аёли бош-қош бўлиб, Дўрмон ижод уйининг ошхонасида тўкингина дастурхон ёзарди. (Адиб умрининг сўнгги йилларини иссиқ ёз фаслини Дўрмон боғида ўтказган эди.) Албатта, ош дамларарди. Барча дам олаётган ижодкорлар (ҳатто ишчи-ходимлар ҳам) таклиф қилинган, шаҳардан Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, болаларнинг севимли шоири Турсунбой Адашбоев, филология фанлари доктори, адабиётшунос Сафо Матчонов каби ўнлаб ижод аҳли адибни туғилган кун билан қутлагани келишарди.

Бир гал ёзувчи Хайридин Султон Носир аканинг таваллуд кунда қатнашиб, Носир ака билан Фафур Фулом номидаги нашриётда бирга ишлаганмиз. Носир ака нафақат яхши адиб, яхши муҳаррир, балки қўли очик, меҳмондўст инсон. Ўша йиллари бизларни уйига тез-тез таклиф этар, Муборак опага тансиқ таомлар буюриб, сийларди. Шафдаги ранг-баранг неъматларга қўл чўзиб, қай бирини олай, дея кайфиятимизни чоғлашга интиларди. Ана шундай меҳрибон инсон ва адибга узоқ умр тилаyman, деб бағрига босгани эсимда.

...Бундай илиқ ва самимий қутловлар кўп бўларди. Кичкина давра катта шуқуҳ-ла тўлиб-тошарди.

...Носир Фозилов Қозоғистоннинг ҳозирги Туркистон вилоятидаги Кориз қишлоғида туғилган. У ўрта мактабни битиргач, Тошкентга келиб, ҳозирги Миллий университетга ўқишга киради. Таҳсилни тугатиб, "Гулхан" журналида ишлаб, қаламини чархлайди. Қатор асарлари республика матбуотида эълон қилинади. Ёш адиб адабиётимизнинг улкан чинорлари: Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом, Ойбек, Миртемир, Саид Аҳмадга суюкли шогирд бўлиб, уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиб, давраларида юради. (Кейинчалик Носир Фозилов устозларини эслаб, "Устозлар даврасида" номли асар эди. Китоб ўша пайтдаги Ҳамза номидаги давлат муқофотига сазовор бўлган.)

Адибнинг "Оқим", "Саратон", "Қуш қаноти билан", "Дийдор" номли асарларини ўқиб меҳрим тушган эди. Носир ака "Қорхат" номли қиссасида ёшларга ижодкор кўрган-билганларини юракдан ўтказиб, бадиийлаштирса, ҳақиқий асар бўлади. У, айниқса, болалар учун ёлгон ёзмаслиги керак, шундагина элга тез танилади, суюкли адибга айланади, деб ўғит берарди.

Кейинчалик Носир ака кўп йиллар "Шарқ юлдузи" журналида масъул котиб вазифасида хизмат қилди.

— Шоир (Носир ака ёш ижодкорларни, у нима ёзишдан қатъи назар "шоир" деб мурожаат қилар эди), журналда шеърларингиз нашр этиляпти. Айниқса, "Ижара уй" номли шеърингизда, бутун ижарада турувчи ёш шоирларнинг "охи-фигони"ни ёзбисиз, — деди



бир кун секингина. Шундан сўнг, Носир ака билан яқинлашиб кетдик...

Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинаётган чоғимда йиғилиш қатнашчиларидан бири шеър ўқиб беришимни сўради. Шунда ҳаяжон ичра, у даврада урф бўлмаган, тушкун руҳдаги шеъримни ўқибман. Даврада шивир-шивир бошланди. Менга уюшма аъзолигига тавсия берган Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло "Турсун Алининг бундай шеърдан сўнг, тавсиямини қайтиб оламан" деди. Шунда Носир ака "Одам бир сўзга бўлади, Шукрулло ака", деди кескин. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ва бошқалар ҳам қўллаб-қувватлаганидан сўнг, уюшма аъзолигига қабул қилинганман.

...Бир кун Носир ака билан Ёзувчилар уюшмасида учрашиб қолдик. Елкамга қўлини қўйиб, "Шоир, Москвага — Адабиёт институтига борасизми?" деб сўради. "Борсангиз сизни жўнатишга ёрдам қиламан, ҳозирок раис ҳузурига кираман", деди. Икки фарзандим борлиги, шароитим йўқлигини айтдим. "Афсус, афсус" деди бош-чайқаб Носир ака. Кейинги гал кўришганимизда ҳам "Афсус, бормадингиз-а" деди надомат билан...

1999 йили Носир Фозиловнинг етмиш йиллиги, шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзонинг эллик йиллиги муносабати билан, икки ижодкорнинг туғилган юртига сафар қилдик.

Туркистон йўлида, бепоён кенгликда қатор кетиб бораётган туйлардан қўз узмай борарканман, "Шоир, ухлаб қолманг" деб бир туртиб қўйган устоз, кета-кетгунча йўл бўйи қадим Туркистон тарихи, зиёратгоҳ жойлари ҳақида айтиб борди. Адабиётимизнинг улуглари Миртемир ва Одил Ёқубовнинг болалиги кечган қишлоғи ва ўлмас ижоди ҳақида Мирпўлат Мирзо билан қизғин суҳбат кечди.

Манзилда бизни қозоғистонлик ижодкорлар кутиб олишди. Дастлаб Аҳмад Ясавий мажмуасини зиёрат қилдик. Сўнгра ўқув даргоҳларида, маҳалла аҳли билан қизғин учрашувлар ўтказдик. Носир Фозиловга юртдошлари қорабайир от совға қилди. Адиб туғилган юртида нақадар азиз, ардоқли эканлигини кўриб, ҳавас қилдим...

Баҳор оёқлаётганда Носир Фозиловнинг Дўрмон ижод боғига келгани хабари тарқалди.

Улкан чинорлар соясидаги ўтиргичда Носир акани ёлғиз учратдим. Салом-алиқдан сўнг "яқинда

Қорабулоқда туғилган адиб Меҳмонқул Исламқуловнинг етмиш йиллик юбилейига Олмаотадан Собит Дўсанов ва Қосимхон Берманов деган таниқли ижодкорлар келишади. Таништириб қўяман", деди Носир ака.

— Эй, Собит Дўсановни танийман. "Арвона" деган асари ва шеърларини ўқиганман, — дедим қувониб. — Бироқ, Қосимхонни билмас эканман, — дейишим билан, "у яхши шоир", деди кўзларимга тикилиб Носир ака.

— У ўзбек тилида бир китоб қилмоқчи: Ҳамкорлик ҳиласилар. Бир-бирларингизни таржима қиласилар, — деди таржимон толгандай ҳаяжонланиб. Яна уёқ-буйеқда гаплашдик-да, кўриниб туринг, деганча Носир ака билан хайрлашдик.

Носир Фозиловга қачон дуч келсам, адабиёт ҳақида, қозоғистонлик ёзувчи-шоирларнинг ижоди бўйича суҳбатлашардик. У Абдулла Қаҳҳордан то бугунги кунгача бўлган ижодкорларни яхши билар эди. Шунданми, суҳбатимиз кўролмади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёзувчи Меҳмонқул Исламқуловнинг ижодий кечасига Қозоғистондан Носир ака айтган адиб-шоирлар келди. Эртаси Носир ака Мирпўлат Мирзо, Азим Сунон ва мени чақириб, меҳмонлар билан яқиндан таништирди. Улар китобларига дастхат ёзиб берди. Биз ҳам китобларимиздан тақдим этдик.

Ҳа, Носир ака икки халқ ижодкорлари ўртасидаги кўприк эди. Бундан адибнинг кўнгли тоғдан кўксаларди...

Дарахтлар япроғи сарғайиб, мўртлашганлари киши нафасидек елларда узилаётган кезлари, Носир ака билан юзлашдик. Қўлимдаги ҳассани олиб, "Бунга ҳуш дарахт панасига отинг", деди қатъий оҳангда.

— Биласиз, оёғим чиққан, синган. Сайрда куч ва эрмак бўлади, — дедим маънос тортиб.

— Биламан, бу ҳазил, — деди у самимий жилмайиб.

— Мени сиз билмасангиз, ким ҳам билади, — дедим ботаётган қуёшга боқиб.

— Мана, куз келиб боғларни қора қарғалар босди. Сафар ҳам қариди. Эртага кетамиз, — деди Носир ака ҳорғин тортиб.

Мен ўшанда бу адиб умрининг энг сўнгги кузи эканлигини билмаган, англамаган эканман...



**Турсун
АЛИ,
шоир**

Очигини айтганда...

ИШЛАМАГАН...

ЭНДИ ТИШЛАМАСЛИГИЯМ КЕРАК

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 14 декабрдаги парламентга “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурагимиз” деган илк мурожаатидаёқ: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъиятлик билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифаси сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятини сафарбар этамиз” деб, ўта жиддий ва ниҳоятда оғриқли масалани кўндаланг қўйди. Зеро, ёшлар камолоти — давлатнинг жаҳон майдонидаги юзини ва интеллектуал салоҳиятини белгилаб беради.

Таълим тизими соҳаси олдидаги вазифалар, дарсликлар таъминоти, таълим дастурлари сифати, ўқитувчиларнинг билими ва малакасини ошириш, кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш, чет тилларини ўқиш имкониятини кенгайтириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги, халқ таълими тизимида ўқув жараёнини автоматлаштириш, ўқувчиларни мактабга қабул қилиш, кўчириш хизматини электрон шаклга ўтказиш, давлат-хусусий шериклик асосида хусусий мактаблар ташкил этиш каби ўнлаб муаммоларни тезроқ ечиш лозимлиги таъкидланди.

Ўтган 20 йил давомида ўқув дастурлари, ўқув режалари ва баҳолаш тизимининг жуда тез ўзгариши таълим сифатининг пайсийишига олиб келди. Коллеж ва олий ўқув юртлири талабаларининг пахта терими ва бошқача ишларга жалб қилиниши; қишқи таълимнинг чўзилиб кетиши ҳам таълим жараёнига салбий таъсир этди. Яхшиям йиллар давомида ўқиш сифатига салбий таъсир кўрсатиб келган бошқа ташвишлар таълим тизимимиздан аста-секин “бош олиб” кетаётди...


Аввало, ота-она мактабни танлайди. Бунга ота-она ёки мактаб маъмурияти бефарқ бўлмалиги керак. Ота-она Ватан олдида, келажак олдида боласининг тарбияси, таълими учун бурчлидир. Мактаб — мамлакат ижтимоий муҳитининг энг муҳим маркази. Мактабдаги таълим кишилик жамиятининг сифатли ва кафолатли пойдеворидир. Тарбия эса маданиятлик ва қомилликнинг мангу кўзгусидир. Олам аҳли тан олган таълим ва тарбия уйғунлашмаган ҳар қандай жойдан эзулиб ва яшилдики, рақобат ва тараққиётни излаш бефойда. Минг афсуски, бу ташвиш ҳамон таълим тизимига бегона эмас. Ҳолбуки, кўплаб ривожланган мамлакатларда ўқитувчилик касби энг обрўли касблардан бири саналади. Юртимизда ҳам ўқитувчининг нуфузини ошириш, энг обрўли касблардан бирига айлантириш бугуннинг энг муҳим вазифасига айланган бежиз эмас. Президентимиз ўз чиқишларида “Ўқитувчини ҳурмат қилмаган раҳбарни мен ҳам ҳурмат қилмайман” — деб очик-ойдин айтмоқда. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда республикамизнинг барча соҳасида амалга оширилаётган илғор ислохотлар, янгиликлар, ўзгаришлар жамият ривожини, халқ фаровонлигига хизмат қилиши мамлакатимиз раҳбари томонидан бот-бот таъкидланмоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинган бир неча ўнлаб қарор, фармон ва фармойишлар жамиятимизнинг барча соҳасини кенг қамраб олди. Бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ҳам муҳим ва зарурий қарорлар туфайли, бир неча йиллардан бери мавжуд бўлган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш юзасидан ислохотлар бошлаб юборилди. Таълим соҳасидаги қатор камчиликлар сараланмоқда ва уларни бартараф этишнинг чораси кўрилмоқда.

Дарҳақиқат, шу пайтгача таълим сифатига салбий таъсир кўрсатувчи муаммолардан бири — уларнинг мажбурий меҳнатга жалб қилиниши кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларида бот-бот тилга олинди. Яна ўқитувчининг кушандаси, эски муаммолардан бири — қрозобозлик ва бюрократия деган балолар ҳам бор эдики, булар муаллимларнинг ўз устида ишлашига эмас, балки майда-чўйдаларга ўралашиб қолишига сабаб

бўлаётган эди.

Малака оширишга келган аксарият ўқитувчиларнинг умумий мулоҳазалари деярли мана шундай мазмунда бўлар эди: “...Биз ҳар бир дарсга ишланма ёзамиз ва, энг қизиғи, дарсда ундан бирон марта ҳам фойдаланмаймиз, дарсни фалон-фалон усулларда ўтамиз деймизу, лекин синфхонага кирдикми, мавзунини истаган усулда болаларнинг кайфиятига, ўртага ташлаган саволларига қараб ўтаверамиз. Шунинг учун дарс ишланмаси ҳеч бўлмаса 10 йил педагог бўлиб ишлаган ўқитувчи учун шарт эмас деб ўйлаймиз. Ўқитувчи шунча йил дарс ўтдимки, китобларнинг қайси саҳифасида қайси мавзу борлигини еддан билади. Унга ҳар сафар бир хил конспект-ни қайта-қайта ёздирмасдан, ўз соҳаси бўйича ўқувчиларга бирон янгилик бера оладиган қўшимча китобларни ўқишига вақт бериш керак. Агар инглиз тили ўқитувчиси бўлса инглиз тилидаги киноларни кўрсин, талаффузини ростласин, бошқа фан ўқитувчилари ҳам ўз устида ишласин, замонавий таълим билан танишин...”

Албатта, ҳозир ҳам бу каби муаммолар гирдобиди яна бир муаммо — кадрларнинг малакаси, санокда эмас сифатда бўлсин, деган талабга жавоб бермаслиги масаласи ҳам бор. Истаимизми-йўқми, мактабларни шунча таъмирлаб, замонавий компьютерлар билан таъминласан-да, таълим сифати ўсаётганини кўрмаймиз. Чунки таълимдаги ҳал қилувчи омил бўлган педагоглар



ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора ортиб, инсон қалби ва онгини эгаллаш, биринчи навбатда, ёшларнинг оламини издан чиқариш, уларни ўз ота-онасига, ёл-юртига қарши кўйишга қаратилган таҳдид ва хужулар кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Мана шундай мураккаб ва таҳликали замонда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган ёш авлодгина муқаддас заминимизни турли бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлишини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур”, деган фикри фанонда аҳамиятлидир.

Дарвоқе, умумий ўрта таълим ҳақида охириги пайт жуда кўп ва хўп гапирилмоқда. Ҳеч бир нарса, ҳеч бир муаммо ва камчилик ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бунга барча бирдек масъул, натижасидан барчамиз бирдек манфаатдормиз. Биринки мингга — мингинги туманга, дея бирдамликда ҳаракат қилиш кифоя.

Аслида мактаб — ҳар томонлама рақобатбардор тараққиётимизнинг юзи, ёш авлод эса эртанимизнинг синчи кўзидир. “Юзи” ва “кўзи”дан айрилишни истамаган миллат ёшлар таълимига борини беради, шунда ёшлар том маънода уйғона бошлайди, муаллимлар ўзига хос, ваздаси сўзига мос келади. Шундагина мактабларга совға қилинган минглаб китоблар ўқилади, уларнинг ҳаётини маънолари уқилади. Ёшларимиз аждодларига муносиб авлод бўлиб ўсади, юрт бошидан бало-қазоларни тўсади. Тараққий толган мактаб — барчамизни муродга етказди, болалари тўғри таълим-тарбия олган элдан ёмонлик чиқмайди. “Мактабим — ё ҳаётим, ё мамотим” деган халққа Ҳақнинг ҳамда тафаккурнинг баракаси ёғилади.

Фахриддин ШОДИЕВ,
СамДУ кафедра мудири,
фалсафа фанлари номзоди

сифат даражаси ахборот — техникавий ёки ахборот — компьютер цивилизацияси сифатида эътироф этилмоқда. Маънавий ҳаётдаги глобаллашув жараёни, оммавий ахборот воситалари, Интернет, радио, телевидение, уяли алоқа воситалари орқали ахборотни етказишнинг фаоллашуви ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Бир томондан глобаллашув натижасида ҳаётимизга кириб келаётган илм-фан, маданият ва санъат ижобий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан турли зарарли ғоялар ҳамда мафкураларнинг ҳам кириб келиши баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш вазифасини долзарб масала сифатида кун тартибига чиқармоқда. Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситалари орқали халқимиз таълим-тарбия ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи чуқур таҳлилий маълумотларни мунтазам бериб бориш лозим. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, ҳаётини манфаатларини ёритиш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойиллини ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ қилиш муҳим саналади. Ёшлар тарбиясида янги педагогик инновацияларни таълим тизимида қўллаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг: “Дунёда,

Қарор ва ижро

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи, манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш, либераллаштиришдан иборатдир.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

бу борада янги тизим яратилди ва амал қилмоқда



Маълумотларга кўра, жиноятчилик охириги йилликда дунё бўйича 3–4, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида 6–8, АҚШда 7–8, Буюк Британия ва Швецияда 6–7, Францияда 5–6, Германияда 3–4, Японияда 1,5–2 баробар ўсган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қайд этишича, дунёда жиноятчиликнинг ўсиши беш фоизни ташкил этмоқда.

Шу боис мамлакатимизда сўнгги йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши чоралар қўриш бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Одамлар тинч яшаши учун бутун мамлакатимизда жиноятдан холи муҳит яратишимиз шарт. Биз Ички ишлар вазирлиги тизимида ваколат ва функцияларни қуйи бўғинга тушириб, уни чинакам халқчил тизимга айлантиришимиз зарур. Бу борада илмий ёндашув ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этамиз. Ҳар бир жиноят ёки ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳар қайси ҳудуд ўз тажрибасини яратиши керак”.

Маълумки, жамиятда учрайдиган ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят қандай сабаб ва шароитда содир этилмасин, албатта, айбдор шахс, яъни ҳуқуқбузар ёки жиноятчи томонидан амалга оширилади. Профилактика инспекторларининг ана шундай тоифадаги шахслар билан яқка тартибда профилактик ишларни ташкил этиш фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Яқка тартибдаги профилактика — фуқароларни тарбиялаш тизимининг элементларидан бири бўлиб, инсон ғайриижтимоий ҳулқининг энг охириги даражасигача етишига, яъни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишларни содир этишга йўл қўймастикдан иборат чекланган вазифани ҳал қилади. Демак, профилактика инспекторлари ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда, аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш каби вазифаларни бажаради.

Бугунги кунда республикамиз бўйича 3 минг 712 милиция таянч пункти мавжуд бўлиб, улар таълим муассасалари, қатор ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бораётди. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарлик профилактикасига доир ваколат ва вазифалари белгиланган.

Президентимизнинг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан профилактика инспекторларининг иш фаолиятини тартибга солишда муайян тизим ишлаб чиқилди. Унга кўра ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунини” этиб белгиланди. Ушбу кунда ҳуқуқбузарликларга мурасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий ниғилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик ҳулқ-эворини

оммалаштиришга қаратилган, жумладан, ички ишлар органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида “Очик эшиклар кунини” ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Қонунийлик аҳолини ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофича муҳофаза қилиш учун жойларда, биринчи навбатда, криминоген вазият, номақбул бўлган ҳудудларда фуқароларнинг сайёр қабуллари ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакилларининг аҳоли билан учрашувлари ташкил этилади.

Ижтимоий аҳамияти муҳим бўлган суд муҳокамалари бўйича сайёр суд мажлислари ўтказилади.

Аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида уйма-уй юришлар ташкил этилади.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб республика миқёсида профилактика инспекторлари томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида жойларда ҳуқуқбузарлик профилактикасига доир фуқаролар билан учрашувлар ҳамда оммавий ахборот воситаларида видеороликлар, телекўрсатувлар уюштирилди. Жумладан, ОАВ орқали 9 минг 277 киши, телевидениеда 415 видеоролик намойиш қилинди, жойлар (маҳаллий ҳокимият, корхона ва маҳаллалар)да 98 мингдан зиёд, таълим муассасаларида ёшлар билан 32 мингга яқин (умумий ўрта таълим мактабларида 24 минг 300, коллеж ва лицейларда 7 минг 500) учрашув ўтказилди. 25 мингга яқин конференция ва давра суҳбатлари (таълим муассасаларида 10 минг) ташкил этилди.

Шунингдек, профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликнинг яқка тартибдаги профилактикасини ташкил этишга доир 200 мингдан зиёд чора-тадбирлар амалга оширилди. Шулардан 99 мингга яқини яқка тартибдаги профилактик суҳбатлар, 38 минга яқин расмий тартибдаги профилактик оғоҳлантиришлардир.

Бундан кўриниб турибдики, профилактика инспекторлари ҳудудлардаги жиноятчиликка мойиллиги бор шахсларни аниқлаш ва уларни тўғри фаолиятга йўналтириш, қолаверса, жамиятда ўз ўрнини топиши учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби вазифаларни бажариб келмоқда.

Сўнгги йилларда профилактика инспекторларининг фаолиятига жиддий эътибор қаратилаётгани, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, маънавий-моддий рағбатлантирилаётгани давлатимизнинг ушбу касб эгаларига бўлган юксак ҳурмат ва ишончидан дарак беради. Хусусан, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилда ижобий натижага эришган профилактика инспекторлари ва маҳалла фаолларининг меҳнатларини рағбатлантириш мақсадида 6 ярим мингдан зиёд хизмат уйлари, 1 минг 100 шахсий уй-жой, 7 мингта шахсий автомобиль ажратилди.

Дарҳақиқат, профилактика инспекторлари томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир чора-тадбирлар жамиятда жиноятчиликнинг олдини олиш, олдин жиноят содир этган шахснинг қайта жиноят содир этмаслиги, шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Жамиятда тинч-тотув ҳаётни таъминлашда қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишда профилактика инспекторларининг ўрни беқиёсдир.


Баҳром АЛИМОВ,
ИИБ Академияси
катта ўқитувчиси, подполковник
Зиёдулла МАРДОНОВ,
ИИБ Академияси
3-босқич курсанти

Бизнинг шарҳ

ЎЗБЕКИСТОН: ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА

кўрсаткичлар аста-секин яхшиланмоқда

Ҳар бир мамлакат дунё давлатлари билан бўйлашар экан, унинг турли соҳа бўйича халқаро миқёсда тутган ўрни ва мавқеи муҳим аҳамиятга эга. Бошқа мамлакатлар билан дипломатик алоқа ўрнатилган, ўзаро шерикчилик ва тенглик ҳуқуқи асосида ҳамкорликни йўлга қўйиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳада янги кенгликларни очиб ҳам мамлакатнинг халқаро мавқеига катта эътибор қаратилади. Жумладан, Ўзбекистон ҳам халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлишга интилиб келмоқда. Бугун бутун дунё Ўзбекистонни ижобий тарафлама янгидан кашф эта бошлади. Буни халқаро экспертлар гуруҳи ёки бошқа бир нуфузли ташкилот томонидан тузилган турли соҳа бўйича халқаро рейтингларда мамлакатимиз кундан кунга юқорилаб бораётганида яққол кўриш мумкин.



Шу йил 25 февралда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорни имзолади. Унда "Иқтисодий эркинлик индекси", "Глобал рақобатбардошлик индекси", "Бизнес юритиш", "Бюджет очиклиги" каби 17 нуфузли халқаро рейтингда мамлакатимиз тугган ўрнини яхшилаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган саъй-ҳаракатлар ва бунга масъуллар белгилаб берилди. Унга кўра, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини, жумладан, тадқиқот институтларининг маълумотлари ва ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда уни яхшилаш бўйича ҳар йили "йул хариталари" ишлаб чиқиш, тегишли тармоқлардаги муаммоларни аниқлаш, ахволни ўрганиш учун ижтимоий сўровлар ўтказиш, шунингдек, мамлакатда кенг қўланиш имкониятларини амалга ошириш доирасида

турли соҳаларда юз бераётган туб ўзгаришлар тўғрисида жамоатчилик ва халқаро рейтинг агентликларини хабардор қилиш каби кўплаб вазифалар белгиланди. Бугун уларнинг аксарияти изчил амалга ошириб борилмоқда.

Халқаро рейтинг ва индекслар одатда мамлакатнинг фақат ташқи сийёсати эмас, балки давлатнинг ичидаги туб ўзгаришларга ҳам эътибор қаратилган ҳолда тузилади. Яъни халқаро рейтинглар Ўзбекистоннинг нафақат бошқа давлатлар билан олиб бораётган ҳамкорлик ва шериклик алоқаларини, балки халқининг фаровонлиги, уруш ва зиддиятлардан йироқлиги, фуқароларининг яшаш сифатини ҳам назарда тутди. Мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрнини мустақамлаш учун ички сийёсат ҳам барқарор бўлиши керак. Бу хорижий мамлакатларнинг юртимизга бўлган қизиқиши орттиришига, туристлар, инвесторлар оқимининг кенгайишига замин яратди.

Хўш, Ўзбекистон айна пайтда халқаро рейтинг ва индексларда қандай мавқе ва ўрин эгаллаб турибди?

Улар орасида энг нуфузли рейтинглардан бири "Иқтисодий эркинлик индекси" саналади. Бу борада Ўзбекистоннинг кўрсаткичи айна вақтда 53,3 ни ташкил этади, яъни дунё бўйича 140-ўринда. Ушбу кўрсаткич аввалгига қараганда 1,8 га кўтарилган. Қисқа вақт ичида бундай юқори балга эга бўлиш аслида жуда мушкул вазифа. Унга асосан, инвестиция, меҳнат ва бизнесни эркинлаштириш орқали эришилди. Иқтисодий эркинлик бўйича худудий олиб қаралганда, яъни Осиё-Тинч океани минтақасидаги 43 давлат ичида 36 ўринни эгаллаб турибди.

Ўзбекистон шу йил февралда 500 миллион долларлик илк еврооблигацияларини сотувга чиқарди. 2018 йил декабрида Fitch бу рейтингга "Барқарор" кўрсаткичи ВВ- даражасини берган эди. Глобал координатор ва қўшма букраннер (инвесторлардан облигацияларни сотиб олиш ҳақидаги аризаларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш билан шуғулланувчи ташкилот) сифатида JP Morgan Chase молиявий холдинги танланган бўлиб, Citibank ва "Газпромбанк" эса етакчи менежер ва букраннерлари билан ушбу жараёнда иштирок этади. 7-14 февраль кунлари Нью-Йорк, Бостон ва Лондонда бўлиб ўтган роуд-шоуларда юртимиз делегацияси йирик инвесторлар билан музокаралар олиб борди.

Жаҳон банки 2018 йилда бизнес юритиш рейтингига Ўзбекистонни тадбиркорлик қилиш учун қулай шароит яратилаётган мамлакатларнинг биринчи ўнталлигига киритди. Ҳисоботга кўра, мамлакатимиз умумий натижалар бўйича 190 мамлакат орасида 76-ўринни эгаллаб, аввалги йилдаги мавқеини бир йўла 12 поғонага яхшилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар меҳнат воситаларини яхшилаш ва бизнес юритиш учун шароитни осонлаштириш бўйича Осиё ва Европа давлатлари орасида етакчига айланishiга имкон бор. Бундан ташқари, Жаҳон банки Ўзбекистонни тадбиркорларни рўйхатга олиш бўйича АҚШ, Франция, Германия, Италия, Испания, Дания, Япония каби ривожланган давлатларни орта қолдирган ҳолда 11-ўринга лойиқ кўрган. Бу натижа бевосита юртимизда 2017 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини онлайн-рўйхатга олиш тизими жорий қилингани билан боғлиқ, албатта.

Тадбиркорларни рўйхатга олиш аввал икки иш кунинда амалга оширилган бўлса, энди деярли 30 дақиқа кифоя қилмоқда. Бу ҳам вақт ва маблағни тежайди, ҳам асабий толиқишларнинг олдини олади. Шу боис янги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш кўрсаткичи аввалги йилларга нисбатан 1,3 баробарга ортди.

Жаҳон банкининг ҳисоботида Ўзбекистон қурилишга рухсат олиш бўйича 134-ўрин, электр тармоғига улашиш бўйича 35-ўрин, хусусий мулкни рўйхатга олиш — 71, кредит олиш — 60, инвесторларни ҳимоя қилиш — 64, солиққа тортиш — 64, халқаро савдо — 165, шартномаларни бажарилишини таъминлаш — 41, тўловга лаёқатсизликни бартараф этишда 91-ўринни эгаллаган.

Мамлакат кўрсаткичлари кредит олиш ва шартномалар бажарилишини таъминлашдан ташқари қолган ҳар бир параметр бўйича сезиларли даражада кўтарилган. Энг юқори кўрсаткич халқаро савдо билан боғлиқ. Яъни у аввалгига нисбатан 5,48 га ўсди.

Жаҳон банкининг маъмур рейтингига умумий ҳисобда биринчи ўрин Янги Зеландия, иккинчи ўрин Сингапур, учинчи ўрин Данияга насиб этган. Дастлабки ўнликка Гонгконг, Жанубий Корея, Грузия, Норвегия, АҚШ, Британия, Македония киритилган. Марказий Осиё давлатлари орасида энг яхши кўрсаткич 28-ўрин бўлиб, у Қозғоғистонга тегишли. Қирғизистон 70, Тожикистон 126-ўринни банд этди. Охириги ўринларга эса Сомали, Эритрея ва Венесуэла лойиқ кўрилган.

Жаҳон банки ҳар йили ўтказадиган "Бизнес юритиш" (Doing Business) тадқиқоти 190 мамлакатни ўз ичига қамраб олади ва улар 10 кўрсаткич бўйича таққосланади. Рейтингда мамлакат қўлга киритган ўрин нафақат меҳнат воситаси даражасига таъсир ўтказиши, балки халқаро бизнес-жамиётида инвестицион қарор қабул қилишнинг асосий мезонларидан бирига ҳам айланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 июлдаги "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатда 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" ҳисоб-

ботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келаётган энг қулай шарт-шароитларни яратиш асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Демак, бугун тадбиркорлик субъектлари учун яратилган шарт-шароит кейинчалик бундан-да қулайлаштирилиши назарда тутилган. Шу билан рейтингдаги ҳозирги ўрнимиздан 56 поғонага юқори кўтарилишга имкон пайдо бўлади. Келгуси 3 йил давомида бунинг гувоҳига айланишимиз мумкин.

"Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қароридан Интернет тармоғида халқаро рейтинглар бўйича йиллик ҳисоботлар ёритилиб бориладиган "Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда" ягона портали яратилиши белгиланган ва унда халқаро рейтинглар бўйича йиллик ҳисоботлар, шунингдек, ҳисоботларни ўрганиш, эълон қилиш муддатларини кўрсатган ҳолда тегишли йўналишлар бўйича ишлар ҳолатини яхшилашга қаратилган халқаро ташкилот ва экспертларнинг тавсиялари ёритиб борилади. Маъмур портал қарорда қўрилганда, 2019 йилнинг 1 апрелига қадар ишга тушиши ва уни яратишга мамлакатдаги энг нуфузли ташкилотлар — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Аxbотот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги каби ташкилотлар масъул сифатида кўрсатилган. Бироқ белгиланган муддатдан бир ярим ой ўтди, лекин портал ҳали дунё юзини кўргани йўқ. Ҳозирча мамлакатимизнинг халқаро майдондаги умумий рейтингларининг айримлари бўйича "invest.gov.uz" сайтининг кичик бир бўлимида хабардор бўлиш мумкин, холос.

Халқаро миқёсда Ўзбекистон ўз имижига борасида, айниқса, сўнгги йилларда кескин ва ижобий бурилишга эришди. Бугун дунё мамлакатлари орасида тугган ўрнимиз аста-секин яхшиланмоқда. Ижтимоий-сийёсий жамиятда кўлга киритаётган ютуқлар ана шу халқаро рейтингларда бундан ҳам юқори ўринларга интилишимизга замин яратмоқда.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ранг дунё

ҚУЁШ НУРИНИ ЙИГУВЧИ ИНШОТ



2013 йилда 37 қаватли бино — Walkie Talkie бизнес маркази машур бўлиб кетди. Иншоотнинг ойнаванд девори куёш нурини қайтариши оқибатида кўшни кўчадаги турли нарсалар — машина, велосипед, кафедаги мебелларни эритиб юбора бошлади. Шу сабаб ҳам бино Walkie Scorchie ("scorch" — "кўйдирмоқ") номини олди.

Ақсарият лондонликлар бу ҳодисани кўнгилочар машғулота айлантди, яъни улар бино ойнасидан қайтган куёш нури тафтида овқатларини иситиб олишга одатланди. Бино туфайли мулкига зарар етган аҳоли эса буни, албатта, ижобий қабул қилгани йўқ. Архитекторлар эса бошқа мамлакатларда ҳам шу каби ҳодисалар бўлганини айтиб, ўзларини оқлашга уринишди.

Маъмур осмонўпар бизнес маркази "Фэнчарч-стритда" жойлашган бўлиб, унинг жанубий томони ташқарига қараб эгилган шаклда барпо этилган. Бу билан архитекторлар дастлабки мобиль рақия — "оки-токи"нинг йирик намунаси кўринишини акс эттиришни мўлжаллаган. Иншоотнинг бу эгилган қисмидаги ойналардан қайтган

куёш нурининг ҳарорати Цельсий бўйича 69,8 даражага етади. Бу табиий шароитда юзага келаётган ҳароратнинг рекорд кўрсаткичидир.

Ёзнинг охири, кузнинг бошланишида бинога қарама-қарши кўча — Истчипда тахминан 30 метр масофа қаттиқ қизий бошлади. Бу билан боғлиқ энг шов-шувли воқеа, албатта, Jaguar автомобилнинг куйиб кетиши билан боғлиқ. Ҳеч нарсдан беҳабар машина эгаси кун ярмидан оғанида автомобилни бино қаршисидаги кўчага қўйиб кетади. Икки соат ўтиб қайтиб келганида севимли машинасининг эмблемаси ва ён ойналаридан бири куйганини кўради.

Шу воқеадан сўнг журналистлар ва қизиқувчан аҳоли вакиллари Истчип кўчасига оқиб кела бошлади. Улар тротуарда туриб куёш нурида тухум, гамбургер ва сабзавотларни пишириш билан машғул бўлишди. Лекин Истчип кўчасида жойлашган маҳаллий кафе ва дўкан эгалари учун ҳам бу ҳодиса хурсандчилик олиб келмади. Чунки куёшнинг бешафқат нури йўлида учраган нарсани эритиб, куйдириб ташлади. Уша кўчадаги сартарошхона эгасининг айтишича, бино ойнасида аксланаётган куёш нури сабаб

токчада турган шампун идиши эрий бошлаган, пол артилаётган мато тешилиб қолган. Сартарошхона ёнидаги кафеда эса овқатлар печда эмас, шундоқки, столнинг устида тайёрланмоқда экан. Лекин куёш нури сабаб ёғоч стуллардан чиқаётган ис кафедаги ҳавони ифлослантириши бунинг салбий жиҳати сифатида баҳоланди.

Ноттингем университетининг архитектура ўқитувчиси Филип Олдфильд ҳануз ойнадан футуристик материал сифатида фойдаланишларидан ҳайрон қолишини, бу 1950 йилларга хос жиҳат бўлган, лекин ҳозирда ундан деярли воз кечилганини айтди. Шунингдек, кўнлаб лондонликлар ҳам ойнаванд Walkie Talkie биносидан хурсанд эмас. Улар Лондон Гонконгга айлинишини истамаслигини айтмоқда. Экспертлар эса қурилиши 200 миллион фунт стерлингга баҳоланган бизнес маркази — Walkie Talkieни қурувчилар лойиҳани моделлаштириш ва синовдан ўтказиш жараёнида аксланишини бундай жиҳатига эътибор қаратмаганидан таажубда.

Walkie Talkie қурувчилари уларнинг биноси туфайли зарар кўрганларга товон тўлашга ваъда бермоқда. Бироқ айна вақтда айбни ўзларидан соқит қилишга ҳам ури-



нишмоқда. Яъни ҳароратнинг аномаль иситиш фавқуллод-да ҳолат эканига барчани ишонтирмоқчи. Гап шундаки, бинонинг ойнали фасадидан бир неча ойдан буён турса-да, лекин куёш нурининг аксланиши оқибатида юқоридаги каби ҳолатлар кузатилмаган эди. Ёз фасли охирида билан ҳарорат бирдан ошиб кетди. Бино эгалари муаммо ечими устида ишламоқда. Унга қарама-қарши кўчага машина қўйиш таъқиқланди. Осмонўпар иншоотнинг бюуртамчилари Jaguar машинаси зарар кўрган шахсга 946 фунт стерлинг миқдоридан товон пули тўлади. Бироқ бино аввалгидек кўринишда турибди, маҳаллий аҳоли эса унга "Шаҳарнинг ўлим нури" дея ном қўйишга ҳам улгурди.

Аслида Walkie Scorchiedан ҳар доим ҳам нур тарала-вермайди. У куёш осмонда муайян ҳолатга келганида юз беради ва кунга икки соат давом этади. Тахминан уч ҳафта ўтиб бу ҳодиса умуман рўй бермайди. Боиси бу вақтда куёшнинг жойлашиш ҳолати ўзгарган бўлади.

М.БОЛТАБОВ
тайёрлади.

Театрда бир кун...

ЁШ ТОМОШАБИНЛАРНИНГ
ЯХШИЛИК ВА ЭЗГУЛИК ГЎШАСИ

Болалигимда "Қовоқвой ва Чаноқвой" спектаклини томоша қилганим: қаҳрамонларнинг қизиқарли саргузаштлари орқали меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тиришчилик, тўғрилиқ, софдиллик каби фазилатлар инсон зийнати экани жажжи қалбларга таъсирчан сингдирилди. Ҳали ҳануз Ёш томошабинлар театри ижодий жамоасига меҳрим, қизиқишим баланд. Ҳар гал мазкур жамоа спектакллари ойнаи жаҳон орқали намойиш этилганида ҳаёлан болалик чоғларимга қайтаман.



Болаларнинг ушбу кувнок саҳна асарларини тақдим этиб келадиган ушбу театр 90 ёшни қаршилади...

90 ёшли отахон театр

Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри 1929 йил охирида, ундан бир йил аввал ташкил топган рус ёш томошабинлар театридаги Театр студияси замирида юзга келди. Болалар учун мўлжалланган ўзбек театрнинг ташкилотчилари Афанди Исmoilов — бош режиссёр, Шоназар Шорайимов — бош расм, Нурхон Эшмухамедов — директор бўлса, рус жамоасига Семён Эвген раҳбарлик қилди. Миллий болалар театрини шакллантиришда режиссёр Етим Бобоҷонов ва расм Шоназар Шорайимовнинг хизмати катта бўлган. Ушбу даврда эндигина ташкил топган бу навқирон театр труппасининг дастлабки шаклланиш даврида Фулом Турсунов, Мўмин Мирзаев ҳамда Шохриш Шорайимов, Ҳамидулла Абдуллаев, Қобилқори Сиддиқов, Манзура Усмонова, Абдусамид Абдуллоев, Назира Одилова, Маърифат Орипова, Иброҳим Отажонов, Абдурахмон Толипов, Раҳима Сирожиддинова, Зикрилла Хўжаев, Қутби Мавлонова, Шоасқар Тамкин, Санжар Тилла, Тожибой Аҳмедов каби ўттиздан ортиқ санъаткорлар катта ҳисса қўшган.

Труппанинг дастлабки репертуари С.Шчербаковнинг "Бешлар", Н.Муфтизоданинг "Додко", Л.Сейфуллинанинг "Қон ҳам сув", Г. Ауслендернинг "Шимолга ҳаракат", Ҳамза Ҳақимзода Ниезийнинг "Мени сайланг", болаларга мўлжалланган ўзбек драматургиясининг илк асарлари бўлиши А.Исmoilовнинг "Кураш боласи", "Қутқариш" каби асаридан иборат эди. Труппа фаолияти бошланганига ҳеч қанча вақт ўтмай собиқ иттифоқдаги сафарбарлик жараёнида мувофиқ ташвиқот ишларига йўналтирилди. Каттақўрғон, Термиз, Наманган, Қўқон шаҳарларида ёшларга, ҳарбийлар ва аҳолига асарларини намойиш этиди. Шунингдек, театр жамоаси Москва, Ленинград, Олмаот, Фрунзе, Оренбург, Челябинск, Свердловск, Чита, Симферополь, Карчи, Богчасарай, Евпатория, Феодосия каби шаҳарларда гастролда бўлди. Режиссёр А.Исmoilов "Ғолибият" асарини труппанинг сафарбарлик хизмати жараёнида саҳналаштирди ва катта муваффақият билан узоқ йиллар намойиш қилди.

Театрда кекса авлод ва ёш актёрлар ўртасида доимий ижодий ҳамкорлик ўрнатилган ва аъёнага айланган. Худди ана шу ижодий ҳамкорлик тўғрисида Х.Саъдуллаев, Л.Саъдуллаев, Г.Саъдуллаев, М.Асомова, Ҳ.Тошпўлатов, М.Миралиев, И.Абдуллоев, Д.Абдулазизова, А.Ортиқова, Б.Нишонов, Ҳ.Абдуллоев, А.Жўраббеков, Г.Бозорова, Е.Зиёмухамедова, Х.Каримов, Т.Ҳамдамова, Ҳ.Отахонова, В.Софьянова, Ҳ.Низомитдинов, М.Мухитдинова, Е.Қутлиев, А.Исломов каби актёрлар масъулиятини ҳис этган ҳолда бетиним меҳнат қилдилар. эл назарига тушиши. Бу борада устозлар ёшларга яқиндан ёрдам беришди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар.

Муштақилликнинг дастлабки йилларида ҳам театр жамоаси ёниб, бор қалб кўрини баҳишида қилиб ижод этиди. Устоз мураббийлар, ўз иши усталарининг меҳнати билан ёш томошабинлар театрида ижодий иш ҳамон давом этмоқда.

Сўнгги йилларда ҳам театр жамоаси сермаҳсул ижод қилишдан тўхтагани йўқ. Жумладан, "Оловдиннинг сеҳрли чироғи", "Оппоғой ва унинг дўстлари", "Зумрад ва Қиммат", "Сеҳрли дур", "Ойпошша", "Маликани ким қўтқаради?", "Менинг ўрдақчам", "Сохибжамол ва Махлуқ", "Залолат", "Шум бола", "Заҳарли томчилар", "Сеҳрли лайлак", "Широқ" каби саҳна асарлари ёш томошабинлар ва катталар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда.

Барча соҳада бўлгани каби миллий маданият ва санъатини ривожлантириш йўлида амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар натижасида театрнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, уни замонавий саҳна, либослар, декорация, ахборот коммуникация технологияси жиҳозлари билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 3 август кўни ижодкор зиёлилар билан ўтказган учрашувида юртимиз маданият, адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Шулардан келиб чиққан ҳолда мазкур театр жамоасида ҳам "Дўстлар клуби" ташкил этилди ва унга ҳомий ташкилотлар бириктирилди. Бу эса театр имкониятини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2018 йили Болалар ва ёшлар театрлари халқаро ассоциацияси — АССИТЕЖга Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри негизда "АССИТЕЖ Ўзбекистон" номи билан фаолият кўрсатаётган барча болалар театри аъзо бўлди. Бу эса ёш томошабинлар учун саҳна асарларини яратувчи театр жамоаси фаолиятини халқаро миқёсда тарғиб этишда алоҳида аҳамият касб этиди. Аъёнага кўра, мазкур ташкилотнинг навбатдаги анжумани унга янги аъзо бўлган мамлакатда ўтказилди.

Томошабин кўрганга ишонади

...Театр биносига кирганингиз ҳамон рўҳингизни ўзгача ҳис қамраб олади. Ажиб бир сеҳр, беғуборлик, самимият беихтиёр болалик чоғларингизни ёдга солади. Шу боис кичик ёшдаги, ўсим фарзандлари билан келган аксарият ота-оналарнинг ўзлари ҳам бир олам завқ-шавқ, таассурот билан яна қайта келиш истагида орта қайтадилар.

Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри биноси 2 қаватли. Бинонинг ташқарисидда спектакл қаҳрамонлари, томшалар лаҳзаларидан иборат баннерлар театрнинг ижод оламиндан "сўзлайди". Ушбу баннерларни кузатиб қишида театр биносига кириш истаги пайдо бўлади.

Катта эшикни очиб фойега кирилади. Биринчи қават фойеида театрининг бутун бошли "оиласи" қаршилайди. Барча ижодий ходимларнинг портрет-суратлари гўё "Марҳамат, театримизга хуш келибсиз. Спектакллариимиз сизлар

учун" даятгандек хушайфият билан "кутиб олади".

Томоша зали биринчи қаватда жойлашган. Спектакл кўриш истагида келган томошабин ҳеч қийналмай, ортиқча зиналарни босиб ўтмай томоша залига қадам ранжида қилиб, спектаклдан маънавий-рўҳий озуқа олиши мумкин.

Иккинчи қаватда тикув устонаси, актёрларнинг репетиция ва дам олиш, грим, хўжалик хоналари жойлашган. Тикув устонасида актёрлар учун либослар тикилади. Бу ерда ўз ишининг усталари меҳнат қилади. Ҳар бир либос устида тикувчи-дизайнерлар кичик деталларига чуқур изланиб, охири-охири образ-характерга мос кийимлар тикилади. Тикувчиларнинг иш жараёнини кузатиб, нафақат актёрлар, режиссёрлар расмолар, балки ижодий жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз ишини сидқидилдан бажаришга ҳарқат қилаётганига гувоҳ бўласиз. Мақсад — кичик томошабин ушбу даргоҳдан мўъжизаларга ишониб, яхшилик, эзгулик ҳамиша голиб эканлигини тушуниб этиши учун бор имкониятларни ишга солишди.

Айниқса, грим хонасида иш жуда қизгин. Актёрларнинг ижро этаятган образига мос тарзда пардоз қилиниши, грим усталарининг моҳирона хатти-ҳаракатлари ҳайрату ҳавасингизни келтиради. Кўз ўнгида ҳақиқий мўъжиза содир бўлади. Бир зумда Зумраду Қиммат, Сохибжамол ва Махлуқ, Шум боладан тортиб Оппоғойларгача мана шу мўъжиза хонада "дунёга келади".

— Томошабин кўрганга ишонади, хулоса чиқаради, — дейди Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Исқандарова. — Шундай экан, спектакл жонли ва ишонarli чикишида актёр ва режиссёрнинг ижодий ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Тўғри, саҳна, декорация, музика, либос ва бутарфорлар ҳам спектаклнинг муҳим қисмларидир. Аммо образнинг тўлақонли қикиши ҳар томонлама актёр ва режиссёрнинг қанчалик бир-бирини тушуниб ҳаракат қилишига боғлиқ. Актёр билан режиссёр ўртасида икки томонлама ишонч ва ҳурмат бўлиши лозим. Фақат ҳурмат ва ишонч муҳити яратилсагина, улар бир-бирини тушунади, гаплаша олади. Актёр режиссёрни тушуниб, унга ишончи ҳар бир топширигини бажаришга оdatлиниши зарур. Ҳар навбатда режиссёр ҳам актёр меҳнатини қадрлаши, ҳурмат ва эъзозлашга оdatлиниши шарт. Агар ижодий жамоа ўртасида шундай муҳит ҳукм кўрсатса режиссёр актёр учун ўқитувчи эмас, унинг таъсир ва захираси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, актёр образи ва унинг ҳаётида яшаш керак. Ана шунда спектакл ҳам ишонarli, ҳам профессионал чиқади.

Бола кувонса, дунё кулади

...Театрнинг барча ёрдамчи хоналари бирма-бир кириб, асосий манзилимиз, яъни томоша залини кўздан кечиришимиз. Кичик томошабинлар ота-онасининг қўлидан тутганча бирин-кетин томоша залига кириб келмоқда. Ҳар бир ёш томошабиннинг кўзида ҳам ҳайрат, ҳам кувонч бор. Томоша залида турнақатор тизилган ўриндиқлар эгаларини ўз бағрига олмақда. Мактаб ва богча ёшдаги кичик томошабинлар, ҳатто ўсим, балоғат ёшидаги йигит-қизлар, ўқувчилар, ота-оналар, бобо-бувиларни кўриб жуда хурсанд бўлиб, ўриндиқлар деярли тўлди. Бугун репертуарда ёш лигизиндан таниш бўлган "Ур, тўқмоқ" эртаги асосида музикали-эртак жанрида саҳналаштирилган "Сеҳрли лайлак" спектакли намойиш этилар экан.

Саҳна ортида спектаклга тайёргарлик кўраётган актёрлар жамоасига бир кур назар ташлашни ҳам унутмади. Гарчи мазкур спектакл бир неча йилдан бери саҳнадан тушмай келадиган бўлса-да, актёрлар минг бир ҳаяжон билан шай туришибди.

— Ҳар қил томошабинларни саҳна ортидан кузатаман, уларнинг кўзида ишонч ва меҳрим кўрсам, енгил нафас оламан, — дейди сеҳрли лайлак роли ижрочиси Шавкат Исроилов. — Демак, ижрозим орқали кимдир тўғри хулоса

чиқараяпти, кимдир ўз айбини тан олиб, соғлом ҳаётга қайтмоқда. Актёр учун бундан ортиқ бахт, рағбат керак эмас. Томошабиннинг тўғри хулосаси биз учун энг керакли мақтовдир.

...Чироқлар аста-секин ўча бошлади. Парда кўтарилиб қадрдон эртак қаҳрамонлари бирин-кетин буй кўрсата бошлади.

...Орзу инсонни турли кўчаларга етаклайди, номардни мард, кўрқоқни ботир қилади, саҳрони водийга айлан-тириб, ёвузлик ҳукмрон ерга эзгулик нурини олиб қиради. Машҳур ўзбек халқ эртаги асосидаги "Сеҳрли лайлак" спектаклида ана шундай орзу-умидлар мужассамлашган. Спектакл бизга таниш бўлган сюжетдан бироз бошқача, яъни замонавий талқинда саҳналаштирилган. У Отабекнинг Гулбаҳорга уйланиши учун барча қийинчиликлар, тўсиқларни енгиб ўтиши, соф сеғви-муҳаббати йўлидаги курашлар ҳақида ҳикоя қилади. Спектакл томошабинни ўз орзу ва мақсадига содиқ қолиши, ҳалол ва адолатли йўлдан бориб барча тўсиқ ва машаққатларни енгилга чорлайди. Спектакл шу тариқа давом этади...

Томошабинларни кузатар эканмиз, театр ҳақиқатдан ҳам тарбия маскани эканига яна бир бор амин бўлдик. Томоша чоғида катта ёшдаги томошабинлар, ўсим йигит-қизлар ҳам киприк қоқмай, ўзаро сўхбат қурмай саҳна асарининг мазмун-моҳияти, мақсад-муддосини ўз тарозисида тортиб, мулоҳаза билан кўришди. Энг муҳими, залдаги томошабин ёмонлик билан ҳеч қанча мақсадга эришиб бўлмаглиги, ёлгон, фирибгарлик, хиёнатнинг охири войлигини тушуниб етишди. Албатта, бунда актёрлар маҳорати, пластикасига тан бермай илож йўқ. Ижодий жамоанинг бир тану бир жон бўлиб, ҳамжиҳатликда ижроси спектакл муваффақиятини таъминлади.

— Неварларим билан тез-тез Ёш томошабинлар театрига келиб туришимиз, — дейди пойтахтлик Акмал Ҳайдаров. — Болалар учун мўлжалланган театрнинг камолотида муҳим ўрин тутди, чунки улар эртак қаҳрамонларини жон-қийдан яхши кўради. Уларга ўз тилида, сеvimли эртак қаҳрамонлари орқали сабоқ бериш қулай ва самарали.

Албатта, бугуннинг боласини шунчаки олди-қочди гаплар, ёлгон маълумотлар билан алдаб бўлмайди. Чунки замонавий дунёнинг замонавий боласи ҳамма нарсага ҳам ишонвермайди. Уларни самимият ва меҳр-муҳаббат билангина ўзимизга дўст, ҳаммаслак қилишимиз мумкин. Бунда эса, албатта, катталар жонбозлик кўрсатиши, намуна бўлишлари айна мудадо.

"Сеҳрли лайлак" спектакли жуда ёқди, айниқса, лайлак жуда яхши ва одамларга ҳар доим ёрдам беради, — дейди Зангиота туманидаги 12-сонли мактабгача таълим масъасаси тарбияланувчиси Баҳорид Уринбоев. — Мен ҳам катта бўлсам одамларга ёрдам бераман, катталарнинг дуосини оламан. Энди бобом билан бу ерга тез-тез келиб туришим.


— Болалигимда бувижоним "Ур, тўқмоқ" эртагини кўп айтиб берарди, — дейди Янгиёл туманидаги 20-умумтаълим мактаби 10-синф ўқувчиси Зиёлола Баҳромов. — Шу боиси уни ўзгача яхши кўраман. Гарчи ёшимиз катта бўлиб болалик ҳаёлларидан бироз узоқлашган бўлсам-да, ҳаёмон кўнглимиз болалигимга қолаверар экан. Бугунги спектаклни томоша қила туриб, инсон кичик ё катта бўлишдан қатъий назар ҳамиша софдил ва меҳнатқаш бўлса ўйлаган барча эгзу ниятларига етишишга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг, у хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин ўз ҳақиқати ва дунёси бор. Ана шу оламини бойитиш, таассуротларни ижобий томонга ўзгартиришда театрлар, маданият, маънавият масканларининг ўрни бекиёс. Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри ижодий жамоаси бугун катта ва кичик томошабинни тўғри йўлга бошлашдек эгзу мақсад йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Зеро, мақсад аниқ бўлган жойда натижа ҳам узоқ куттирмайди.

Нигора НИШОНБОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАХАТ

Кулупнай — баҳор чоғи дастурхонимизни безайдиган мевалардан саналади. Маълумотларга кўра, унинг асл ватани Америка қитъаси бўлиб, милоддан аввалги II-I асрларда ҳам кулупнай етиштирилган. Ўрта асрларга келиб Европага келтирилади, аммо ўша пайтлари ер бағрида ўсгани учун уни покза эмас, деб ҳисоблашади. Вақт ўтиб, кулупнай нафақат мазали резавор мева, балки шифобахи экани ҳам маълум бўлди ва барчага бирдек ёқиб қолди. Ҳатто Бельгиянинг Вилеон шаҳрида Кулупнай музейи ҳам бор.

ҚУЛУПНАЙ:
ҲАМ ФЙДАЛИ, ҲАМ ЗАРАРЛИ

Ўзбекистонда кулупнай кўчатини асосан баҳор, ёз ва кузда экиш мумкин. Кам қор ёғадиган ва қор қатлами беқарор бўлган, кузда тез совуқ тушадиган худудларда баҳорда, куз узоқ давом этадиган жойларда эса ёзда экса бўлади. Ёзда экилган ўсимликлар кузгача яхши ривожланади, ер устки қисми, яъни пояси, барглари ўсиб чиқади, гул куртаклари ҳосил бўлиб, қишга яхши тайерланади ва келаси йили тўлиқ ҳосилга қиради.

Бозордан кулупнай харид қилаётганда, албатта, сархиллигига эътибор беринг, гулданги юлинган бўлмасин. Шунингдек, мева юзидаги доналарни ҳам назардан четда қолдириш.

Агар доналар мевадан бўриб чиққан бўлса, демак, кулупнай ҳали етилмаганидан дарак беради. Аксинча, анча чуқур кирган доналар эса айна мудадо. Кўпчилик орасида йирик кулупнайларга кимевий ишлов берилган деган қараш мавжуд. Аслида меванинг ҳажми унинг навига боғлиқ. Ўзига турдаги кулупнайлар катта, бошқалари кичик бўлиши мумкин. Агар кулупнай солинган идишда қизил доғ қолса, билингики, унга кимевий ишлов берилмаган. У қанчалик муаттар ифор таратса, мева шунча гарқ пишган бўлади.

Дарвоқе, кулупнайни кўп вақт сақлаб бўлмайди, вақт ўтгани сайин фойдалилик хусусияти камайиб боради. Музлаткичда кўп қолиб кетса, таркибидаги нитритлар — кансероген моддаларга айлиниб, саломатликка ҳаф солади. Мевани истеъмол қилишдан олдин тоза сувда чайиш энг мақбул ечим.

Кулупнай — С витаминининг мумкин. Бундан ташқари унинг таркибида В гуруҳидаги витаминлар, каротин, фолат кислота, бир қанча макро ва микроэлементлар мужассам. Ортиқча ваздан халос бўлишга киришганлар учун кулупнай беназир ердамчидир. 100 грамм кулупнай мевасида атиги 30 ккал бўлса-да, мазали ва тўйимлилик учун жуда қадрлашади. Худди шунча микдордагиси С дармондорига бўлган кундалик эҳтиёжини бемалол қондиради. Бундан ташқари, таркибидаги С витамини юзда ажинлар пайдо бўлишининг олдини олади. Нордон кулупнай оддийлари-

га қараганда ёшартириш хусусиятига эга. Мевадан оз учун турли ниқоблар тайёрлаш мумкин.

"Инжиқ феъли" бу мева баъзи хасталикларга қалинган инсонларга тавсия этилмайди. Ошқозон-ичак касалликлари билан оғриганлар эҳтиёт бўлиб тановул қилиши лозим. Албатта, аллергияга мойиллиги бор ҳар қандай инсон ундан узоқроқ бўлгани маъқул. Кулупнайни ёғсиз қаймоқ ёки творог билан истеъмол қилган афзал. Чунки ушбу сут маҳсулотлари таркибидаги ёғлар ошқозон деворини қоплаб олади ва кислоталарнинг ошқозонга эиен етказишига йўл қўймайди. Қолаверса, сут маҳсулотлари билан истеъмол қилинган кулупнай тишларга ҳам зарар етказмайди.

Кулупнайни шакар билан ейиш кўп ҳам мақбул эмас. Уни бошқа таомлар билан аралаштирмай, биринчи ёки иккинчи овқатдан сўнг истеъмол қилинг, чунки у бижимиз хусусиятига эга. Ўзи умуман олганда, барча мевада ана шундай хусусият мавжуд. Шунинг учун уларни ҳеч қайси таом билан аралаштириб емаслик керак.

Агар ошқозон яраси, яъни гастрит безовта қилса иштаҳани жиловлаган маъқул. Қон босимига қарши дори воситаларидан фойдаланётганлар эса буйрагини асраши учун ҳам кулупнайни ҳаддан зиёд кўп емаслиги лозим.

Халқ табобатида сархил ёки куритилган кулупнай, мева шарбати, барглари ва илдиэпосидан жигар касалликлари (ўткир ва сурункали холецистит, сурункали гепатит, ўт-тоз касалликлари), ошқозон-ичак йули касалликлари (сурункали гастрит ва энтероколит, геморрой ва бошқаларни), шунингдек, сийдик тутилиши, камқонлик, ревматизмни даволашда фойдаланилади. Кулупнай иштаҳани очади, терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи хусусиятга эга. Организмда туз алмашинувини, ҳазми яхшилашди, чанқоқни босади. Ушбу резавор мевани қора қалампир ва бодринга қўшиб ҳам қовуриб еса бўлади. Бу организм учун жуда фойдали. Агар фарзандингиз жисмонан заиф бўлса, кўпроқ кулупнай ейиши ёки шарбатидан ичиб туриши керак.

Албатта, "шакарнинг ҳам ози ширин" деганларидек, ҳар нарсада мевэрга амал қилинса фойдадан ҳоли бўлмайди. Шундай экан, кулупнай мевасини истеъмол қилишда ҳам шифобахши хусусияти, ҳам ақ таъсирини ёдда тутган маъқул.

**Миробод туманидаги
218-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси
Муаттар МУРОДОВА
тайёрлади.**

Эълон!

"FARG'ONA MILK SERVIS" МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига "FARG'ONA PAXTA SANOAT TRANS SERVIS" МЧЖнинг 21.05.2019 йил кунги №9-сонли хатига асосан ГБА СПГ NEXIA русумли, 2000 йилда и/ч, д/р: 40 922 ХАА, техник ҳолати носоз бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси- 7 035 000 сўм

Аукцион савдоси 2019 йилнинг 24 июнь кунни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишининг охири муддати: 2019 йил 21 июнь соат 16:00. Савдо ёлиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси 2019 йилнинг 21 июнь кунги савдода сотилган тақдирда, тақрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 28 июнь кунни тақроран бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Тақрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган микдорда гаров пулини келишув шартномасига асосан "FARG'ONA MILK SERVIS" МЧЖнинг ХАБ "Трастбанк" Фаргона филиалидаги қуйдаги ҳисоб-рақамга тўлашлари лозим: Х/Р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753.

Мурожаат учун манзил: Фаргона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 45-уй.
Тел: +99895-402-54-75 Ғувоҳнома № 1894.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Амридон БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Орфияли ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исमत ХУДОЕРОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табақ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 526, Адади — 2841. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Равшан МАХМУДОВ

Навбатчи: Диффуза МАХКАМОВА

Саҳифаловчи: Жалололдин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 00.10. УЗА якуни — 22.10.

ISSN 2010-7714

4 772 010 771 003

1 2 4 5 6